фойдаланилган операция усулларини янги методик сохаларда (замонавий материаллар, эндоскопик техникалар ва бошқа) куллаш. Брауде И.Л. ГП рецидивланишида операцияларни 2 боскичда бажаришни тугри деб хисоблайди – кесар-кесиш ва корин олд деворига бачадонни фиксация килиш билан кольпоперинеопластикани амалга ошириш. Краснопольский В.И. томонидан таклиф килинган усулда коникарли натижалар олинган. Бачадонни физиологик холатини таъминлаш, аёлларнинг жинсий ва бола тугиши функциясини саклаш максадида, икки этапли комбинирланган жаррохлик даволаш усулида корин оркали апоневрозли лоскут ёрдамида бачадон-думгаза боғламини мустахкамлаш ва 2-боскичда кин оркали олинги кольпоррафия ва кольпоперинеоррафияни бажариш. Бундай парваришдан сунг касалларнинг тулик реабилитацияси 95,4%да кузатилган. Бурчик В.И.(2000) бачадоннинг нотулик тушишида Манчестер операцияси ва лапароскопик бачадон юмалок боғламини кискартириш бир вактнинг узида стерилизация билан комбинирланган операциясини таклиф килган . Кейинги бешинчи гурухимизга тушган аъзоларни суюкларга, чанок боғламларига каттиқ фиксация килувчи операциялар киради. Сергеев Н.Н, 1939 Кратц Х, 1957 Промонториумга бачадонни фиксация килиш. Richardson D.A. 1989 Сакро – спинал бачадон фиксацияси. Бачадон танасини чанокга фиксация килиш, холатининг доимиyllигини, тургунлиги ва табиийлигини таъминлайди. Жмилин С.В. ва Поргес Р.Ф. (1994) бирламчи пролапсда бачадоннинг сакроспинал фиксацияси касалликнинг кайталаниш кўпинчатасини 15,8%дан-6,7%га пасайтиради. Жинсий аъзоларни каттиқ фиксация килиш купинча энteroцеллени тугирлаш билан якунланади. Чанок каттиқ тузилмаларига жинсий аъзоларни фиксация килгандан сунг диспареуния, зурикиш вактида сийдик тутаолмаслик, детрузор нотургунлиги, ичаклар бушалишининг кийинлашуви [56; 8-10 б.].

Олтинчи гурух операцияларга ГП кулланиладиган самарали даволаш усулларидан бири, бачадонни фиксацияловчи тузилмасини мустахкамлайдиган, боғламларни бир-бирига тикиб, транспозиция килувчи

операциялар киради. Худди шу максаддаки манчестер операцияси биринчи булиб, А. Дональд томонидан 1988 йил амалга оширилган. Бачадон буйни олдинги деворига каринал богламларни бириктириш, бачадон буйнини тушиши ва узайишида ампутация килиш оркали куп компонентли аралашувларни куллаш оркали самарадорликка эришилади. Каринал богламларни сезиларли даражада кискартириб, жаррохлик амалиётини муносиб равища бажариш натижасида, бачадон танаси юкорига кутарилиб, антеверсио-антифлексио холатини олади. Охирги боскичда, олдинги кольпоррафия цистоцеле, уретроцеле ва сийдик тутаолмасликни (90% касалларда сийдик тутаолмасликка нисбатан ижобий натижа олинган) бартараф этиш учун бажарилади. Орка кольпоррафия хам амалга оширилади. Операция бола туғиши ёки хайз циклини саклаб колиш максадида ва бачадоннинг 1-2 даражали тушишларида, агар экстирпацияга курсатма булмаса утказилади. Бирок бачадон буйни ампутацияси уз-узидан хомила тушиш хавфини ва муддатдан олдин тугрукни 20-50%гача ошишини келтириб чикаради. Манчестер операциясидан сунг кайталаниш кўпинчатаси 2,3-16%гача. Купинча кайталанишлар бачадонни нормал холатига тугирлай олмаслик натижасида тахминан 2,5 % холларда кузатилади. Узок муддатли кайталанишларсиз коникарли натижаларни Макаров О.В. (2000) Манчестер операцияси билан Александр – Адамснинг юмалок богламни кискартириш операциясини комбинация килиш билан амалга оширган[26; 3-5 б.].

Еттинчи гурух операцияларга ГПни радикал даволаш усули – кин оркали бачадон экстирпациясининг турли модификациялари киради. Кин оркали экстирпация килиш радикал характерга эга булишига карамасдан, тахминан 33% холларда кайталаниши кузатилади [10; 39-43 б, 57; 8-10 б, 44; 9-13 б, 60; 152-156 б,]. Жаррохлик усули билан тузатиш қийин саналган ва клиник амалиётда жуда кенг тарқалган ички жинсий аъзолар етишмовчилиги ва вин чултоғининг пролапси хисобланади.[30; 774 б, 48; 118-122 б, 50; 60 б, 63; 4-9 б, 76; 301-305 б, 75; 136 б.].

Хозирги вақтда қин чўлтоғининг гистеэктомиядан кейинги пролапсини даволаш ва олдини олишда куплаб трансвагинал, лапротомик, комбинирланган ва синтетик материаллар билан қин чўлтоғини фиккасия қилиш усуллари мавжуд. Кейинги вақтларда қин чўлтоғини фиккасия қилишда куплаб синтетик материаллардан фойданилмоқда. Ҳозирги адабиётлардаги маълумотлар шуни кўрсатадики, синтетик материаллардан фойдаланиш нафақат ижобий натижалар, балки асоратларнинг янгиғянги турларини пайдо бўлишига олиб келмоқда. [2; 104-110 б, 4; 81-84 б, 74; 1077 б, 38; 1072 б, 72; 170-177 б, 58; 48-52 б.]. Чаноқ аъзолари пролапси билан шугурланувчи кўплаб жаррохлар синтетик материаллар кулланилгандан сунг асоратларнинг 5%-35% купайганлигини курсатишмоқда. [68; 492-495 б, 67; 46-55, 43; 4-38 б, 55; 520 б.]. Асоратлардан энг куп учрайдиган тури бу қин шиллик қаватининг эросияси ва синтетик материал қуйилган соҳа асоратлари. [22; 104-105 б, 23; 25-28 б.]. Синтетик материаллардан кейин узок муддатли асоратлардан қин снехияси, яни жароҳат соҳа тўлиқ битмаслиги оқибатида гипертрофик яраларнинг пайдо бўлишига олиб келади. [17; 51-56 б.].

Қин шиллик қаватининг эрозияси ўртача кўпинчатаси синтетик материалларни трансвагинал қуллашдан кейинги бир қанча авторлар малумотига кура, 7.6-10.6% [57; 8-10 б.]. Баъзи ҳолларда, қинда чандиқли ўзгаришларва протрузия аёллар хаёт сифатини кескин ёмонлашишига ва узок муддатли оғриқлар, дискомфорт ва диспареунияга олиб келади. [11; 37-45 б.]. Бу ўз навбатида имплантант қуйилган соҳани ва қин шиллик қават эрозиясини локал олиб ташлаш ягона хирургик даво хисобланади.

2010 йил Халқаро урогинекологлар ассоцияси (International Urogynecological Association — IUGA) ва Халқаро сийдик ушлаб туралмасликни даволаш қўмитаси (International Continence Society — ICS) биргаликда янги мақоласини чиқарди ва унга кура асоратлар классификациясида синтетик материаллардан кейинги асоларга янги Имплантант-боғлиқ асоратлар терминини киритди. Асоратлардан энг муҳимлари қин шиллик қаватининг эрозияси, синтетик имплантант қуйилган

соха эразияси, инфекцион асоратлар, диспареуния, сурункали чаноқ туби оғриқлар. [18; 22 б, 43; 4-38 б, 54; 66 б.].

Феврал ойида 2019 да АҚШ дори-дармон ишлаб чикариш устидаги контрол бошқармаси (Food and Drug Administration, FDA) текширишлар натижасида 11,274 аёлларда генитал пролапсини бартараф қилишда трансвагинал доступда кулланилган синтетик материалларнинг қин шиллиқ каватида эрозия келиб чиқишини аниқлади. Кейинчалик 2019 йил апрелда FDA савдо расталарида трансвагинал кулланиладиган синтетик материалларни сотиш куллашни Америкада тақиқлаб күйди [57; 8-10 б.].

Март 2016 йил Мюнхенда халқаро европа конгресси синтетик эндопротезларни куллашда аниқ курсатмаларга тайанибгина рухсат берди яни апикал пролапсда, рецидив пролапсларда ва албатта уз туқимаси билан бартараф этиб булмайдиган жинсий аъзолар пролапсида. [56; 8-10 б, 87; 293-303 б, 17; 51-56 б.].

Шу билан бирга, ГП жарроҳлик даволашда нафақат онотамик аъзолар ўрнини тиклаш балки ГП тури ва даражасига, касаллар ёши, соматик ва гинекологик касалликлар патологиясини турли хил модификациялардан фойдаланилган холда алохиди индивидуал ёндашувни талаб қиласи. Турли хил изланишлар шуни кўрсатадики жинсий аъзолар пролапси жиургик коррексиясидан кейин аёллар такроран 30% холларда жарроҳлик амалиётини утказишидаи[60; 152-156 б. 65; 52-54 б, 24; 64-66 б.], ва бошқа муаллифлар кўра, бу кўрсаткич 61,3% (Краснопольский ВИ, 2000 етади; Радзинский В. Е. ва бошқ., 2002; Шулл Б. Л. ва бошқ., 2000).

Шундай қилиб, адабиётлардан келиб чиқган холда, бачадон тўлиқ тушиши ва қин чўлтоғининг пролапси хозирги кунда гинекологлар олдидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жарроҳлик даволашнинг кўплаб усуллари у ёки бу турлари хусусий тўқималар, синтетик материаллар қўланилганда жинсий аъзолар пролапси ва гистерэктомиядан кейинги қин чўлтоқи пролапси рецидиви камаймаганлигини курсатади. Уз навбатида бизнинг қарашларимиз шуни англатадики жинсий аъзолар пролапси оғир

даражаларида ва гистерэктомиядан кейинги қин чўлтоқи пролапсини даволашда янги хирургик даво усулларини ишлаб чиқиш ва бу усулнинг эффективлигини оширишни ишлаб чиқиш уз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

### **Текширилган аёллар клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари**

Илмий тадқиқотимизга генитал пролапс билан мурожат қилган жами 98 нафар bemор олинди. Беморларнинг ёш кўрсаткичи 46 дан 68 ёшгача бўлган кўламни ўз ичига олди, ўртacha 55 ёш. Текширувларимиз даври 2015 йилдан 2022 йилгача 7 йилни ташкил қилди.

Тадқиқот ўтказиладиган барча bemорларимиз III гурухга ажратилди.,

I-гурух (асосий) bemорларимиз 67 (68,4%) нафар bemорларимиз, генитал пролапсининг турли хил асоратлари ва бирламчи жарроҳлик амалиётидан кейинги рецидивлари билан bemорларда қин чўлтоғини мустаҳкамлашнинг такомиллаштирилган модификацияси бўйича трансвагинал кириш йўли билан бачадоннинг экстирпация операцияси ўтказилган bemорлар.

II-гурух (таққослаш) 31 (31,6%) нафар bemорларимиз жинсий аъзолар пролапси оғир даражаларида анъанавий усулда абдоминал ва трансвагинал бачадон экстирпацияси жарроҳлик амалиёти ўтказилган.

III-гурух (назорат) 25 нафар бачадон трансвагинал гистерэктомиясидан қин чўлтоғини мустаҳкамлашнинг такомиллаштирилган усулини самарадорлигини уни хаёт сифатини , ижтимоий мослашувчанлигини, жинсий хаёт фаолиятларини аниқлаш мақсадида 25 нафари анамнезида генитал пролапсга боғлиқ булмаган ва турли хил сабабларга кўра трансвагинал ёки абдомилал гистерэктомия ўтказган bemорлар олинди.

### **Расм 2.1.- тадқиқот ўтказилган bemорлар гурухларга таҳсиланиши**

Тадқиқотларимизда генитал пролапснинг жарроҳлик даволаш асосий тамойиллари белгилаб олдик:

1.Симптомларни бартараф этиш.

2.Пролапсага алоқадор барча қўшни органларнинг нормал анатомик муносабатларини тиклаш.

3. Тос аъзоларининг функционал вазифаларини тиклаш, такомиллаштириш ва янада химоя қилиш.

4. Кўшни органларнинг шикастланиши ёки ёмонлашувининг олдини олиш.

5. Рецидивлар чостатасини камайтириш, сезиларли даражада ҳаёт сифатини яхшилаш, ва енг яхши функционал натижалар берадиган жарроҳлик технологияларидан фойдаланиш.

6. Жарроҳлик даволашда минималинвазив усуллардан фойдаланиш.

Тадқиқотлар жараёнида I ва II гурух беморларимизда генитал пролапснинг учраш даражалари ва қулланиладиган жарроҳлик амалиётларининг турларини урганилди( олдимиздаги вазифа 1-банди) Уларнинг анамнези, шикоятлари, УТТ текширувлари, гинекологик текширувлар, ёндош касалликлар, кейинги рецидивлар даражаси ўрганганиш жараёнида жинсий аъзолар пролапси рецидивини бартараф этишда оптималь жарроҳлик усулини ишлаб чиқиш( вазифанинг 2,4 банди) бундан ташқари кузатилга генитал пролапс асоратларини бартараф этишда ўз тўқималаридан фойдаланилган холда трансвагинал гистерэтомиянинг тасирини ўрганиш ва баҳолаш.( вазифанинг 3-банди). Бирламчи жарроҳлик амалиёти ва характеристини хисобга олган холда жарроҳлик амалиётига қўрсатма ва қарши қўрсатмалар, жарроҳлик амалтётидан кейинги реабилитация жараёнига индивидуал хар бир беморда ўрганилиб чиқиш ва ўтказилган жарроҳлик амалиётидан кейинги яқин ва узоқ натижаларни баҳолаш( вазифа 5-банди)

Беморларни тадқиқотга киритиш мезонлари қуидагилардир:

- 1) Бачадон тушишининг III-IV даражалари (POP-Q) таснифи бўйича, жарроҳлик амалиётини талаб қиласиган.
- 2) Ёши 46 дан ва ундан катта ёш
- 3) Экстрагенитал патологиялар асоратлари мавжуд булмаган холлар.
- 4) Генитал пролапс асоратлари ( бачадон декубитал ярлари, қин трофик ярлари, бачадон элонгацияси ва бачадон бўйни ялиғланиш касаликлари)

5) Текшириш усулларига ва жаррохлик амалиётига рози бўлганлар  
( розилик хатига (имзо))

Беморларни тадқиқотга киритмаслик мезонлари:

- 1) Текшириш усулларига ва жаррохлик амалиётига рози бўлмаганлар.
- 2) Умумийсоматик сурункали касаллик (декомпенсация босқичи) мавжут бўлганлар.
- 3) Бачадон ва бачадон ортиқларининг ёмон сифатли ўсмалари.
- 4) Қандли диабет
- 5) Кон ивиши тизимиға боғлиқ бўлган бузулишлар( лаборатор текширишлар ва анестезиолог кўрсатмаси)

Ўтказилган жаррохлик амалиётидан олдинги ва кейинги натижалар самарадорлиги 1 йил давомида ва 3 йилдан кейин баҳоланди. Баҳолаш обектив ва субъектив мезонлар асосида баҳоланди.

- 1) Беморлар шикояти
- 2) Даволаниш самарадорлиги bemor томонидан сифатини баҳолаш
- 3) Беморни текшириш, шу жумладан қин орқали текшириш дам олиш пайтида ва кучаниш пайтида;
- 4) Кўйдаги анкеталар ёрдамида текшириш.  
PFDI-20 (PelvicFloorDistressInventory),  
PFIQ 7 (PelvicFloorImpactQuestionnaire)

## § 2.2. Текшириш усуллари


Жинсий аъзолар пролапси билан мурожат қилган bemorларни текшириш стандарт умумклиник ва лаборатор текширишлар ёрдамида амалга оширилди. Жаррохлик амалиётидан олдинги текшириш ва жаррохлик амалиётига тайёргарлик, жаррохлик амалиёти ва оператциядан кейинги реабилитация жараёнлари оптимал тактикасини bemorларни текширишга комплекс ёндашув натижаси орқали амалга оширилади.

### § 2.2.1. Клиник текширувлар.

Клиник текширувлар текширувдаги беморларнинг шикоятлари, умумий ва гинекологик кўрик, ва уларнинг анамнези ўз ичига олади. Текшириш усулларида мухим рўл анамнез йифиш хисобланади. Анамнезни батафсил йифиш, касалликни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш мухим рол ўйнади. Беморни ўрганишда, нафақат ўз касалликнинг шикоятлари ва хусусиятлари, балки ҳаёт сифатини, шунингдек, ижтимоий мосланувчанлик, яшаш шароитларини ва иш шароитларини ўрганиш ўтказилди.

Гинекологик текширувларда бимануал ва ректал текширувлар умум қабул қилинган усуласар орқали ўтказилди. Ташқи жинсий аъзолар визуал текширувида чаноқ туби етишмовчили аниқланади бу (анусни кўтариб турувчи мушаклар оёқчалариниг иккига ажралишидан) эса жинсий ёриқнинг очилиб турганлигини қўрсатади. Қин шиллиқ пардаси холати, бачадон бўйни холати, биманул кўрикда ички жинсий аъзолар холати, жойлашуви, формаси, консистенцияси, харакатжанлиги аниқланди. Қин орқа девори ва анусни кўтариб туришига жавобган мушаклар тонусини баҳолаш bemорлардан қинни суний қисиш суралди ва бу агар тонус сақланган бўлса мусбат натижадеб баҳоланди. Қин бимануал текширишдан, ташқари bemорларда ректал текширувлар ўтказилиб бу орқали рентговагинал устунлар ва анал сфинктер холатини, тўғри ичак шиллиқ қавати, туғри ичак олдинги девори чўзилганлигини белгилари яни тўғри ичак олдинги чўзилган қисмида чўнтак хосил бўлиши бу ректоцеледан далолат беради.

Жинсий аъзолар пролапси даражасини аниқлаш мақсадида хозирги кунда кенг кўлланиладиган POP-Q (Pelvic Organ Prolapse Quantification) бўйича таснифидан фойдаланилди. (Расм-2.2.)



**Расм-2.2. Чаноқ аъзолари пролапси тушиш даражасини аниқлаш**

Кўйдаги келтирилган аниқлаш нуқталари асосида см ўлчов бирлигига беморларнинг жинсий аъзолар келтирилган нуқталардан оғиши еки пастга тушиши аниқланиб генитал пролапсининг оғирлик даражалари ўрганилади. Жинсий аъзолар пролапсида POP-Q (Pelvic Organ Prolapse Quantification) бўйича таснифидан фойдаланиш нафақат бачадон тушиш даражаси, балги гистерэктомиядан кейинги холларда хам қин чўлтоги ва қин олд ва орқа деворлариниг тушиш даражалари аниқлаш имкониятини яратади.

Аа- қин олдинги девори (кизлик пардадан 3м проксимал жойлашади), Ва-қиннинг олдинги девори (С ва Аа нуқталар орасида) бу нуқта гистерэктомиядан кейинги қин чўлтоги пролапси аниқлашда ахамиятли.

Ар-қин орқа девори (қизлик пардадан 3 см проксимал жойлашади), Вр – қиннинг орқа девори бўлиб Ар ва D нўқталар ўртаси. С-бачадон бўйни олдинги гумбази (гистерэктомияда ахамиятли) D - орқа свод (гистерэктомиядан кейин аниқлаб бўлмайди) TVL - қиннинг умумий узунлиги gh - жинсий тирқиши Pb- оралиқ масофа хисобланади (Жадвал.2.1.)

### **Жадвал.2.1.**

<b>Босқич</b>	<b>Белгилари</b>
<b>0</b>	Ички жинсий аъзоларнинг пролапсаси йўқ. Аа, ап, Ба, Бп нуқталари - ҳаммаси -3 см, С ва Д ->[ TVL -2] см
<b>I</b>	Энг кўп чиқадиган нуқта қизлик пардасидан 1 см дан ортиқ масофада жойлашган (<-1 см)
<b>II</b>	Энг кўп чиқадиган нуқта қизлик пардасидан 1 см баландлиқда ёки қизлик пардасидан 1 см дан ортиқ бўлмаган масофага ўтади (> -1 см, лекин <+1 см)
<b>III</b>	Енг кўп чиқадиган нуқта қизлик пардасидан 1 см дан ортиқроққа чўзилади, аммо қиннинг умумий узунлиги (твл) 2 см дан ошмайди - қиннинг тўлиқ тескари бўлиб қолиши йўқ (> +1 см, лекин <+ [твл]. -2] см)
<b>IV</b>	Қиннинг тўлиқ тескари бўлиб қолиши. Энг кўп чиқадиган нуқта қизлик пардасидан 1 см дан ошади ва қиннинг умумий узунлиги (твл) 2 см дан (> + [твл -2] см) қисқаради

Жинсий аъзолар пролапси хаёт учун хавли паталогия хисобланмайди шу боис беморларнинг шифокорга мурожати сабаби хаёт сифатининг пасайиши, ижтимоий мосланувчанликнинг ёмонлашуви, жинсий хаёт бузилиши кузатилади. Жаррохлик амалиётига кўрсатмалар фақат клиник текширувлар, гинекологик ва ректал текширувлар хисобланмай, балки маҳсус анкеталар( савол-жавоб) хам жаррохлик амалиётига курсатмаларни тўғри танлашда ёрдам беради. Хозирги кунда жинсий аъзолар пролапсини сураб-суриштиришда маҳсус кўп қўлланиладиган анкеталардан бири бу PFDI-20 (Pelvic Floor Distress Inventory Questionnaire), ЖАП да беморлар хаёт сифатини аниқлаш ва PFIQ-7 (Pelvic Floor Impact Questionnaire) шикоятларнинг кундалик хаётга тасирини аниқлаш буйича савол-жавоб анкеталари қўлланилади. Бундан ташқари беморларнинг экстрагенитал касалликлари батафсил ўрганилди. Беморлар ёши 46 ва ундан катта эканлигини хисобга олган холдаа юрак-қон томир, асад, овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари, таянч-харакат тизими касалликлари, ендокрин ва урологик касалликлар, шунингдек веноз касалликлар билан боғлиқ шикоятлар батафсил ўрганилди. Тадқиқотимиз мақсадини хисобга олиб, акушерлик ва гинекологик анамнез йиғишга алоҳида еътибор қаратдик. Ҳар бир беморда биз ҳомиладорлик сонини, уларнинг кечиши, туғруқ жараёнини кечиши (акушерлик ёрдами ишлатилганми, эпизиотомия ёки перинеотомия қилинганми, туғруқдан кейинги бачадон деворларини қўлда текшириш ўтказилганми), туғруқдаги асоратлар ( оралиқ йиртилиша, бачадон бўйни йиртилиши хамда қин деворлари йиртилиши) кузатилганлиги ўрганилди. Бемор болаларининг туғилишдаги вазни ва бўй кўрсаткичларига ҳам еътибор бердик. Табийки, беморларнинг жинсий аъзолар пролапси ва асоратларига бевосита боғлиқ шикоятларига катта этибор қаратилди. Касалликнинг давомийлиги ва кечиши, унинг турли кўринишлари вақти, қўшимча шикоятларнинг қўшилиши (масалан, дам олишда ёки жисмоний зўриқиши вақтида сийдик ва газ тутаолмаслик билан боғлиқ) батафсил ўрганилди. Қориннинг пастки қисмида оғриқ, жинсий йуллардан

ахраладиган қонли оқим, пешобнинг қийинлашиши, газ ва нажас чиқиши билан боғлиқ шикоятларни ўрганишга хам этибор қаратдик.

Бундан ташқари, генитал пролапс билан бирламчи жаррохлик амалиётининг хажми, жаррохлик амалиётидан кейинги даврнинг кечиши, кузатилган асоратлар ва рецидивлар уларнинг кайталаниш вақти ва характери операцидан кейинги даврни қандай усулда олиб борилганлигини батафсил ўрганиб чиқдик.

Объектив текширувда умумий текширув, соматик ҳолатни баҳолаш, шунингдек қин орқали текширув ( бимануал) ва функционал тестлар ўтказилди. Қин орқали текширув вақтида биз ички жинсий аъзоларнинг чиқиши ва/ёки тушиши беморлар тинч турганда ва кучаниш вақтида даражасини ўргандик. Алоҳида этибор билан, органларни олиб ташлаш билан боғлиқ бўлмаган генитал пролапсда ўтказилган жаррохлик амалиётидан кейинги рецидив характери, кушимча асоратлар, бачадон бўйни холати, шунингдек генитал пролапсда гистерэктомиядан кейинги рецидив характери ва асоратлари ўрганилди. Генитал пролапс оғир даражаларида кўшни органларга тасирини ва цистоцеле, ректоцеле, энteroцеле шунингдек, уретранинг сфинктер етишмовчилигининг клиник белгиларини аниқлаш мақсадида "Tampon тести", "йўтал" тести ёки кучаниш тестларни ўтказдик.

### **§ 2.2.2 Хаёт сифатини ва шикоятларнинг кундалик хаётга тасирини аниқлаш анкетаси.**

Беморларда чаноқ аъзолари дисфункцияси, хаёт сифати ва жинсий функцияси билан боғлиқ шикоятлар махсус анкеталар ёрдамида аниқланди. **PFDI-20**(PelvicFloorDistressInventory) - Чаноқ туби аъзолар дисфункциясини бузилувчанликни баҳолаш кўрсатгичи.

**PFIQ-7**(PelvicFloorImpactQuestionnaire) - Чаноқ туби дисфункцияси хаёт сифатининг психологик ва ижтимоий хаётига тасирини баҳолаш.

PFDI-20 (Pelvic Floor Distress Inventory Questionnaire) Савол-жавоб.

Қүйдаги савол- жавоб шифокор тамонидан бериладиган саволларга анкетага күйилган стандарт жавоблар, ХА ва ЙҮҚ жавоблар билан баҳоланилади. Агар симптомлар умуман кузатилмаса ЙҮҚ 0-балл агар Ха жавоб берилса “безовта қилмайды” 1-балл “базан” 2-балл “күпинча” 3-балл “тез-тез” 4-балл билан баҳоланилади. Шундай қилиб 0-4 баллгача баҳоланилади. Агар бемор саволга аниқ жавобни билмаса ёки иккиланса ўзига ўз фикридан келиб чиқған холда жавобга яқинроқ жавобларни ишлатади( Жадвал 2.2).

## **Жадвал 2.2.**

### **Саволлар.**

#### **PFDI-20 (Pelvic Floor Distress Inventory)**

Кўлланма: Илтимос сволларга жавоб беринг. Охирги 3 ой ичидаги безовта қилган симптомлардан кайси бири сизда кузатилади. Агар симптомлар умуман кузатилмаса ЙҮҚ 0-балл агар Ха жавоб берилса “безовта қилмайды” 1-балл “базан” 2-балл “күпинча” 3-балл “тез-тез” 4-балл билан баҳоланилади.

Шундай қилиб 0-4 баллгача баҳоланилади. Рахмат.

<b>Pelvic Organ Prolapse Distress Inventory 6 (POPDI-6)</b>	<b>Йўқ</b>	<b>Ха</b>			
1 Одатда қориннинг пастки қисмида босим ҳисси пайдо бўладими?	0	1	2	3	4
2 Одатда тос суяги соҳасида оғирликни бошдан	0	1	2	3	4
3 Сизнинг қинингиздан сиз сезадиган ёки кўрадиган	0	1	2	3	4
4 Ичакни тўлиқ бўшатиш учун қинни ёки ректумнинг бир қисмини тўғирлашингиз керакми?	0	1	2	3	4
5 Одатда сийдик пуфагини тўлиқ бўшамаганлиги ҳисси пайдо бўладими?	0	1	2	3	4
6 Сийдик чиқаришни бошлаш ёки сийдик пуфагини тўлиқ бўшатиш учун қинни қўлингиз билан тўғирлаш	0	1	2	3	4

<b>Colorectal-Anal Distress Inventory 9 (CRAD-8)</b>	<b>Йўқ</b>	<b>Ха</b>			
7 Ичакни бўшатиш учун кучли зўриқишига еҳтиёж сезасизми?	0	1	2	3	4
8 Дефекациядан кейин сизда тўлиқ ичак бўшамаганлиги ҳисси борми?	0	1	2	3	4
9 Нормада нажас тутиб туралмаслик холатлари бўлганми?	0	1	2	3	4
10 Нормада нажас тутиб туралмаслик холатлари бўлганми масалан ич кетганда?	0	1	2	3	4
11 Газ ушлаб қолаолмаслик холатлари борми?	0	1	2	3	4
12 Дефикация кейинги оғриқлар кузатилганми?	0	1	2	3	4
13 Сизда дефекация қилиш учун чидаб бўлмас даражада	0	1	2	3	4
14 Сизда ректумнинг бир қисми анус орқали тушганми?	0	1	2	3	4
<b>Urinary Distress Inventory 6 (UDI-6)</b>	<b>Йўқ</b>	<b>Ха</b>			
15 Сизда тез-тез сийиш борми?	0	1	2	3	4
16 Сийдик чиқаришига бўлган кучли иштиёқ туфайли сийдикни тутаолмаслик борми?	0	1	2	3	4
17 Йўталганда, аксирганда ёки кулганда сийдик тутаолмаслик борми?	0	1	2	3	4
18 Сийдикни оз миқдорда йўқотасизми (томчи томчи)?	0	1	2	3	4
19 Қовуқни бўшатишда қийналяпсизми?	0	1	2	3	4
20 Қориннинг пастки қисмида ёки жинсий аъзоларда оғриқ ёки нокулайлик сезасизми?	0	1	2	3	4

Ҳисоблаш: ҳар бир савол гуруҳидаги арифметик ўртача ҳисобланади (0 дан 4 гача тарқалади), қиймат 25 кўпайтирилади, кўрсаткичларнинг тарқалиши еса 0-100 балл.

## Жадвал 2.3.

### **PFIQ-7 (Pelvic Floor Impact Questionnaire)**

Кўлланма: Баъзи аёллар сийдик пуфаги, ичак ёки бачадон пролапси билан боғлиқ аломатлар уларнинг кундалик фаолияти, муносабатлари ва хиссиётларига таъсир қиласи, деб ҳисоблашади. Сўнгги 3 ой ичида кузатилган аломатларни тавсифловчи енг мос жавоб ёнига "X" қўйинг.  
Илтимос, ҳар бир савол олдида барча 3 устунни белгилаганингизга ишонч ҳосил қилинг

	<b>Билан боғлиқ аломатлар қанчалик тез-тез -- сизга тасир</b>	<b>"Сийдик пуфаги ёки сийдик"</b>	<b>"Ичак ёки тўғри ичак"</b>	<b>"Бачадон ёки чаноқ аъзолари</b>
1	Уй ишларини бажариш қобилияти (овқат пишириш, уйни тозалаш, ювиш)?	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез
2	Юриш, сузиш ёки машқ қилиш қобилияти?	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча □ Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча □ Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча □ Тез-тез
3	Кинотеатрлар, концертларга қатнашиш қобилияти?	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез
4	Автомобил, автобус уйдан 30 дан ортиқ дақиқа саёҳат қилиш қобилияти?	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез

5	Уйдан ташқаридаги ижтимоий тадбирларда иштирок етиш?	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез
6	Эмоционал холатк (асабийлашиш, депрессия ва бошқалар.)?	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез
7	Нимадандир кўнгил тулмаслик хисси ?	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез

Хисоблаш: барча саволлар қуидаги балл шкаласига мос келади: ҳеч қачон - 0; базан - 1; кўпинча-2; тез-тез-3. "сийдик пифаги ёки сийдик" устунидаги 7 та савол учун баллар йиғиндиси. "Ичак ёки тўғри ичак" устунидаги 7 та савол учун баллар йиғиндиси. "Бачадон ёки чаноқ аъзолари тушиши" устунидаги 7 та савол учун баллар йиғиндиси. Олинган натижани ўртacha арифметикани хисоблаш керак (0 дан 3 гача бўлган тарқалиш қиймати), кейин бу сонни 100 га қўпайтиринг ва 3 га бўлиниб, 0 дан 100 гача қиймат олинг. (жадвал 2.3)

Шундай қилиб, алматларнинг субъектив оғирлиги, уларнинг ҳаёт сифатининг функционал, психологик ва ижтимоий таркибий қисмларига таъсири баҳоланди. PFDI-20 ва PFIQ-7 сўровномасида жинсий аъзолар пролапси туфайли келиб чиқадиган алматлар оғирлигини баҳолаш, пастки ошқозон-ичак дисфункцияси ва сийиш бузилиши белгиларининг оғирлигини субъектив баҳолаш киритилган.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб, PFDI-20 ва PFIQ-7 сўровномалари ишончли ва асосли еканлиги ва тос аъзолари пролапсаси бўлган беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш учун, шунингдек жарроҳлик

даволашнинг субъектив самарадорлигини баҳолаш учун юқоридаги патологиялар бўйича операция қилинган беморларда қўлланилиши мумкинлиги аниқланди.

### **§ 2.3. Тадқиқот инструментал ва лаборатория текшириш усуллари**

Тадқиқот лаборатория усуллари:

- 1) Клиник қон тахлиллари
- 2) Қон биохимя тахлили
- 3) Умумий сийдик тахлили
- 4) RW-қон тахлили
- 5) Гепатит В, С га қон тахили
- 6) ВИЧ қон тахлили
- 7) ЭКГ
- 8) Коагулограмма

УТТ текширув усуллари.

УТТ текширув Mindray DC апаратида ўтказилди. УТТ текширув трансвагинал хамда абдоминал ўтказилди. УТТ текшируви орқали бачадон тушиш дарачалари, генитал пролапс билан ёндош патологиялар бор йўқлиги, шунингдек қўшни органларнинг холати, цистоцеле ёки ректоцеле бор йўқлиги текширилди. Барча текширувдаги bemorlarга комплекс текширувлар бир қанча этапларда амалга оширилди. 1-этапда жаррохлик амалиётидан олдин (анатомик бузулишлар ва касаллик характерини аниқлаб жаррохлик амалиётини танлаш) 2-этап жаррохлик амалиётидан 3-5 ойдан кейин (Жаррохлик амалиётининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида) ва 3 йилдан сунг ( жаррохлик амалиётининг узоқ натижаларини баҳолаш) мақсадида.

### **Кольпоскопия**

Бачадон бўйни касалликларини ва хирургик даволаш қўламини ташхислаш мақсадида bemor аёлларга кольпоскопия ўтказилди. Колпоскопияда колпоскоп ёрдамида ўтказилди. Ушбу текшириш усули бачадон бўйни холати диагностика қилиш, бачадонда ва қин шиллиқ

қаватларида учрайдиган паталогик жараёнлар хақида аниқ малумотлар олиш ва уларни баҳолаш имконини беради. Бир қатор ҳолларда колпоскопия вақтида бактериологик текширув ва цитология учун материаллар олиб борилди, бу ўз вақтида bemорларда бачадон бўйни оғир патологияларини ва рак олди холати касалликларини ўз вақтида ташхис вўйиш имконини берибина қолмай, радикал жарроҳлик амалиётини ўтказиш бўйича қарор кабул қилишга имкон яратади.

#### **§ 2.4. Генитал пролапс рецидиви ва асоратларида гистерэктомиядан кейинги жинсий аъзолар ва қин чўлтоғи пролапсини олдини олишда трасвагинал жарроҳлик усули модификацияси**

Тадқиқот остидаги асосий гурӯх bemорларимизда биз томондан жинсий аъзолар пролапс рецидивида трансвагинал кириш йўли билан ўтказилувчи гистерэктомия вақтида жинсий аъзолар пролапси рецидиви ва қин чўлтоғи пролапсини олдини олиш учун маҳсус ишлаб чиқилган модификация жарроҳлиги ўтказилди.


Жарроҳлик амалиёти хажми.

- 1) Бачадон қин орқали гистерэктомияси
- 2) Қин чўлтоғини ўз тўқималари ёрдамида такомиллаштирилган модификация ёрдамида мустахкамлаш.
- 3) Олдинги кольпоррафия
- 4) Орқа кольпоперинеолеваторопластика


Оғриқсизлантириш- спинальний анестезия

Операция этаплари: 1-этап. Бемор жарроҳлик столига литотомик холатда йотқизилди ( оёқлар очилган холда, маҳсус ушлаб турувчи воситалар қўйилади). Ташқи жинсий аъзолар ва қин 70% этил спирти ва 2%ёд эритмаси билан ишлов берилади. Жарроҳлик майдонига маҳсус стерилланган ёпинчиқлар ёпилади. Қин кўзгулар ёрдамида очилади ва бачадон бўйни Дуайен щипциси билан фиксация қилиниб олдинга ва пастга бироз тортилади.(Расм 2.3) Қин олдинги девори скапел ёрдамида учбурчаксимон

лоскут кесилади, сийдик пуфаги бачадон буйнидан ажратиласи ва симфиз тагига ўтказилади. (расм 2.4) Шундан сўнг бир вақтинг ўзида аниқланган бачадон-сийдик қопининг қорин пардаси Микулич қисқичлари билан ушланади ва очилади.



**Расм 2.3.**



**Расм 2.4.**


2-этап. Бачадон ўнг қўлнинг курсатгич бармоғи билан қорин бўшлигидан чиқарилиб, унинг танасининг ичак юзаси остидаги қорин парда тешигидан олиб келиниб Мюзо щипцисига фиксация қилинади.



**Расм-2.5.**

Чап тамондан бачадон найчаси, тухумдон хусусий бойламлари ва бачадон юмолоқ бойлами Кохер қискичларига олиниб кесилади. Бачадоннинг танаси унг тарафга тортилади ва бачадон чап қирраси бўйлаб чўзилган бачадон томирлари Кохер қисқичига олиниб кесилади. Худди шу усуллар қарама-қарши тамонда хам ўтказилади. Туғри ичак-бачадон бўшлиғининг қорин парда чуқурчаси ажратилиб тўғри ичак- бачадон бойламлари Кохер ёрдамида( хар-бири алохида) ушланади ва кесилади. (расм2.5)

Бачадонни хали-хам ушлаб турган қин орқа қисми скапел ёрдамида кесилиб қисқичлар лигатураларга алмаштирилади. Қовуқни юқорига кутариш амалга оширилади. Қин чўлтоғини мустахкамлаб тикиш қорин парда тамондан амалга оширилади. Ушбу усулнинг моҳияти Тикиш ичкаридан бошланиб, қорин парда, юмолоқ ва думғаза-бачадон бойламлари чултоғи, ва қин деворлари биргаликда “X” симон чоклар ёрдамида тикилади. (Расм 2.6) Бу эса ўз навбтида оператив жараёнини бирлаштириб, жаррохлик амалиётини вақтини қисқаришига хамда қон йўқотиш хажмини камайтиришга ёрдам беради. Жами 6-8 та “X” симон чоклар алохида-алохида қўйилади. Натижада “ бублик ” шаклидаги горизантал холатда мустахкам каркас хосил бўлади. Каркас ўртасида диаметри 2,5-3,5 смли суний тешик хосил бўлиб, перитонизация ўтказилмайди.(расм 2.7)



- 1) Сийдик ажратиш тизми яхшиланади, дизуритик белгилари ва сийдик ушлаб туралмаслик холатлар кузатилмайди.
- 2) Беморлар эрта ўрнидан туради ва 4-5 суткада уйга жавоб берилади.
- 3) Хосил бўлган суний қин дахлизи проксимал қисмida жойлашган мустахкам “бублик” симон каркас хисобига рецидив ва унинг асоратлари кузатилмайди, ва уз навбатда энтероцеле хосил бўлиши олди олинади. Бундан ташқари X симон чоклар ва суний дренаж хисобига тўқималар орасидаги яра суюқлиги оқими яхшиланади ва бу операциядан кейинги жарохатнинг тез битишига олиб келади.
- 4) Эски чандиқлар олиб ташлаш хисобига жарохат жойига яхши доступ очилади ва эски харакатсиз чандиқлар йуқлиги регенерацияни яхшилайди.

## **ШАХСИЙ ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ**

Аёлларда учрайдиган жинсий аъзоларп пролапси рецидиви ва асоратларида ўтказиладиган такомиллаштирилган трансвагинал гистерэктомиядан кейинги қин чўлтоғини очиқ қолдириш ва “X” симон чоклар билан узлукли мустахкамлаш йули орқали “горизантал бублик” симон мустахкам каркас

хосил қилиш жаррохлик амалиёти нафақат олдинга қўйилган техник натижага эришиш имконини беради, балки генитал пролапснинг рецидивини ва унда учрайдиган асоратларни олдини олишга, хар қандай даражадаги стацинарларда жаррохлик амалиётидан кейинги эрта ва узоқ муддатли натижаларни яхшилашга ёрдам беради. Ишлаб чиқилган усульнинг самарадорлигини ўрганиш мақсадида операциядан кейинги илк давр хамда келажақдаги кутилаётган натижаларнинг қиёсий тадқиқоти ўтказилди.

### **§ 3.1. Тадқиқот остидаги bemорлар клиник характери**

Барча генитал пролапси асорати ва рецидиви билан мурожат қилган bemорларни дикқат билан текширилди. Уларнинг ёши, касаллик анамнези, шикоятлари, генитал пролапс даражалари, ёндош касалликлари, ўтказилган бирламчи жаррохлик амалиёти, жаррохликдан кейинги кечиши, рецидиви, кузатилган асоратлар, гинекологик текширувлар, маҳсус анкета сўраб-суруштиш, маҳсус текширишлар ва инструментал текширишлар ўтказилди.

#### **Тадқиқот гурухларини ёш бўйича тақсимоти**

Беморлар ёши 46 ёшдан 68 ёшгacha ташкил қиласи. I-гурухда 67 нафар bemорларнинг ёш курсатгичлари 45-49 ёшгacha 29,9%, 50-54 ёшгacha 23,9%, 55-59 ёшгacha 26,7%, 60 ёш ва ундан юқорисини 19,5%ни ташкил қилган бўлса, II-гурух bemорларимизда 45-49 ёшгacha 9,6%ни, 50-54 ёшгacha 22,6%, 55-59 ёшгacha 29,4%, 60 ёш ва ундан юқориси 38,7% ни ташкил қиласи. Асосий гурухда ўртача ёш кўрсатгичи  $52\pm3$  ёш, таққослаш гурухида  $56\pm4$  ёшни ташкил қиласи. Ёш бўйича гурухларда сезиларли ўзгаришлар аниқланмади.(расм 3.1)

#### **Беморлар ёш бўйича тақсимоти**

Жинсий аъзоларнинг пролапси патогенезида оғир жисмоний зўриқиши туфайли қорин бўшлиғи босимининг ошиши жиддий рол ўйнайди, шунинг учун биз жинсий аъзолар даражалари ва асоратлари бўлган bemорларнинг касбий фаолияти, ижтимоий шароитлари ва турмуш шароитларини ўрганишга еътибор қаратдик.(кўрсатгичлар 1-;жадвалда кўрсатилган)

**Жадвал-3.1.**

**Генитал пролапснинг мураккаб шакллари бўлган bemорларнинг касбий фаолияти ва яшаш шароитлари хусусиятлари**

	I гурух (n=67)		II гурух (n=31)		Жами (n=98)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
<b>Уй шароитида жисмоний фаолият мавжудлиги</b>	14	20,9	6	19,4	20	20,4
<b>Ишдаги жисмоний фаолият мавжудлиги</b>	16	23,9	9	29	25	25,5
<b>Уй шароитида ва ишда хам жисмоний фаолият мавжудлиги</b>	24	35,8	7	22,6	31	31,7
<b>Жисмоний фаолият мавжуд эмас</b>	13	19,4	9	29	22	22,4

Иш фаолияти таҳлил қилинганда 46,7% bemорларнинг деярли ярми сезиларли жисмоний зўриқишиларга дучор бўлганлиги қайд етилди. Шу билан бирга, барча гурухлардаги bemорлар касбий фаолиятга қараганда кундалик ҳаётда жисмоний зўриқишилар билан шуғулланишган. Бунга сабаб текширилаётган bemорларимиз асосан пенсия ёшидалиги ва бу ўз навбатида ёшга муносибишнинг йўқлиги туфайли бўлиши мумкин. (Жадвал-3.1.)

Тадқиқотимиз кейинги басқичида жинсий азолар пролапси билан мурожат қилган bemорлар асосий шикоятлари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Асосий гурухда bemорлар қорин пастки қисмида оғриқ ва ёд жисим хисси билан 52 нафари ( 78,4% ) II-гурух 20 нафари (64,8%), Диспареуния I-гурух 53 нафари (79,10%), II-гурух 23 нафар ( 74,2%), Гениталгия I-гурух 38 нафари (56,7%), II-гурух 15 нафар (48,3%), Сийдик ва газ ушлаб турсалмаслик

шикоятлари билан I-гурух 40 нафари (60%) II-гурух 16 нафари (53%), Қабзият билан 29 нафар (43,80%) асосий гурух беморлар ташкил қиласа, II- гурухда 11 нафар (37,50%) мурожат қилган. Бундан ташқари аноргазмия билан I-гурух 35 нафари (52,40%) II-гурухда 14 нафари (46,40%) шикоятлар билан мурожат қиласи.

### **Беморлар асосий шикоятлари**

Албатта, генитал пролапси бўлган bemorlarни даволашнинг кейинги тактикасини белгиловчи асосий омиллардан бири бу уларда учрайдиган экстрагенитал патологиядир. Бундан ташқари, ушбу гурухнинг кўплаб касалликлари қорин бўшлиғи босимининг ошиши туфайли генитал пролапс учун хавф омили бўлиши мумкин.

### **Жинсий аъзолар пролапси бўлган аёллар анамнезида соматик касалликлар структураси.**

Келтирилган (Жадвал-3.2.) жадвалдан кўриниб турибтики Соматик касалликлар характери ва чостатаси иккала гурухда дейарли бирхиллигини кўриш мумкин. Табийки иккала гурухда хам болалиқдаги касалликлар ва ЎРВИ касалликлари бошқа гинекологик касалликлар сингари қуп учраши табий холат. Аммо жинсий аъзолар патагенезида келиб чиқишига мос равишда хавф омили бўлиб хисобланадиган юрак-қон томир касалликларидан гипертоник касалликлар ва юрак ишемик касалликлари (асосий гурухда 21(31,3%)) таққослаш гурухида (9(29,3)) ташкил қиласи. Шу билан биргаликда жинсий аъзолар пролапсида асосий олиб келувчи хавф омилларидан бўлган Нафас йўллари касалликлари (асосий гурухда 41(61,2%)) таққослаш гурухида (14(45,2%)) ни, Ошқозон-ичак тракти касалликлари(асосий гурухда 43(64,2%)) таққослаш гурухида (17(54,8%)) ташкил қиласи. Бундан ташқари оёқ веналари кенгайиши (асосий гурухда 41(61,2%)) таққослаш гурухида (12(38,7%)) ташкил қиласи.

Барча bemorlar орасида менархе ўртача 12-14 ёш ичидаги бошланди. Жинсий фаолият бошланишининг ёшига кўра, bemorlar қуйидагича

тақсимланган: биринчи гурухда 19-23 ёш оралиғида, иккінчи гурухда 20-24 ёш оралиғида бу ёш гурухларида жинсий фаолият бошланишининг ўртаса ёш дейарли нормал холат хисобланиб, бу ҳолат яни жинсий фаолиятнинг бошланиши билан ички жинсий аъзоларнинг пролапси ривожланиши ўртасидаги муҳим алоқаларнинг йўқлигини ишонч билан тасдиқлашга имкон беради. Барча bemорларнинг деярли ярими биринчи гурухда (32(47,8%)) иккінчи гурухда (13(41,9%)) текширув вақтида жинсий фаолиятга ега бўлган.

Беморлар акушерлик анамнези таҳлили ўрганилганда бир марта туққанлар сони асосий гурухда 13(19,10%) таққослаш гурухида 4 (12,9%), икки ва ундан ортиқ туққанлар I-гурухда 40 (59,70%) II-гурух 14 (45,20%), Суний abortлар I-гурух 14(20,89%) II-гурух 9 (29,03%), Хомила макросомияси билан туққанлар I-гурух 24 (35,8%) II-гурух 8 (25,80%) Хомила чаноқ билан келиши I-гурух 5 (7,46%) II-гурух 2 (6,45%) ни ташкил қилса, I-гурух 16 (22,88) II-гурух 9 (29,03%) bemорлар анамнезида турли хил кўрсатмалар билан туғруқ кесарча кесиш йули билан амалга оширилган. (расм 3.3)

### **Тадқиқот bemорлар акушерлик анамнези**

Туғруқларнинг кечиши характери таҳлил қилиб, шуни ишонч билан айтиш мумкунки 60,2% ҳолларда туғруқ пайтида акушерлик ёрдами талаб қилинган ёки асоратлар пайдо бўлган, бу кейинчалик ички жинсий аъзолар тушиши ва чиқиши сабабларидан бирига айланган деб айтиш мумкин. Беморлардан I- гурух 15 (22,70%), II-гурух 10 (32,20%) да эпизиотамия ва перинетомия ўтказилган бўлса, I- гурух 11 (16,40%), II-гурух 14 (21,2%) оралиқнинг турли хил даражада йиртилиши кузатилган. Бундан ташқари I-гурух 6 (8,80%), II-гурух 4 (12,90%) да бачадон бўйни йиртилиши кузатилган. (Расм 3.4)

Шуни таъкидлаш керакки, учинчи гурухдаги bemорларда туғруқ вақтида камроқ тукгук асоратлари кузатилган. Бундай асоратлар яни эпизиотамия ва ми ёки перинетомия, шунингдек бачадон бўйни йиртилиши каби туғруқ

жарроҳлик амалиётларидан фойдаланиш жиддий оқибатларга олиб келиши ва сезиларли даражада генитал пролапснинг оғир шаклларига олиб келади.

### **Түғруқ кечиши характери**

Жинсий аъзолар пролапси POP-Q (Pelvic Organ Prolapse Quantification) ICS (International Continence Society) тамонидан таклиф қилинган тасниф буйича bemorlar жинсий аъзолар характери тахлил қилинганда асосий гурух bemorlar орасида бачадон тушиши I ва II -даражаси 16 (23,88%) ни ташкил қилса таққослаш гурухида бу курсатгич 11 (34,37%) ташкил қилади. Бачадон чиқиб колиши III ва IV даражаси асосий гурухда 35 нафар ( 52,23%) ташкил қилса, таққослаш гурухида бу курсатгич 15 (48,38%) ташкил қилади. Бундан ташқари кушни аъзолар тушиши цистоцеле ва ректоцеле асосий гурухда 26 нафари ( 38,80%) ва 9 (29,03%) ни ташкил қилса, таққослаш гурухида 8 (25,80%) ва 4 (12,90%) ни ташкил қилади. Қин олд ва орқа девори тушиши асосий гурухда 28 нафар (41,79%) ва 18 (26,86%) ни ташкил қилса таққослаш гурухида бу курсатгич 11 (38,70%) ва 6 (19,35%) ташкил қилади. (Расм 3.5)

### **Ўтказилган бирламчи жарроҳлик амалиёти хажми ( рецидив ва асоратлари)**

Тадқиқот остидаги bemorlarнинг анамнезида ўтказилган бирламчи жарроҳлик амалиёти ўрганилганда асосий гурухда 67 нафар bemордан 46 нафарида 68,65% bemорлар жинсий аъзолар пролапси билан жарроҳлик амалиётини бошдан кечирганлар. Унга кўра 46 нафар bemордан 19 нафари 41,30% бачадон буйни элонгацияси ва қин олд девори тушиши бўйича трансвагинал ампутация олдинги колпорофия жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлса, 14 нафарида 30,43% қин девори олд ва орқа деворлари тушиши билан олд-орқа колпорофия, 7 нафарида 15,21% да бачадон вентрофиксация жарроҳлик амалиёти ўтказилган. 6 нафарида 13,04% да анамнезида оралиқнинг III даражали йиртилиши билан анал сфинктери етишмовчилиги билан анал сфинктерини тиклаш ва орқа колпперениолеватропластика жарроҳлик амалиёти ўтказилган.

Биз тамондон тадқиқотимиз остидаги асосий гурухдаги беморларининг бирламчи жаррохлик амалиётидан кейинги касалликнинг рецидивланиши яни бирламчи жаррохлик амалиётидан кейинги жинсий аъзолар пролапси рецидив кўриниши учраш вақт оралиғи тахлил қилинди.



**Расм 3.6. Бачадон буйни  
элонгацияси**



**Расм 3.7. Қин олд девори  
пролапси рецидиви. Цистоцеле**



**Расм 3.8. Оралиқнинг III даражали йиртилиши(эски чандиги)**

Биз касаллик рецидиви учраш вақтини 3 та гурухга ажратдик яни унга кўра 1-гурух касалликнинг рецидиви 1 йилдан 3 йилгacha бўлган оралиқ ва клиник белгиларнинг “эрта” намоён бўлиши 2-гурух касаллик рецидиви 3 йилдан 5 йилгacha бўлган оралиқ ва клиник белгиларнинг “секин” намоён бўлиши. 3-гурух касаллик қайталаниши 5 йилдан кўп бўлган вақт ва клиник

белгиларнинг “кеч” намоён бўлиши. Унга қўра беморлар орасида 11 нафарида (23,91%) да касаллик белгилари эрта намоён булса, 2-гурух bemorlarimizda бу кўрсатгич 19 нафарида (41,30%) касаллик белгилари секин намоён булиши кузатилди. Қолган 16 (34,78%) нафар bemorda касаллик рецидив куриниши кеч намоён булғанлигини кўриш мумкин.


Диаграммадан кўриниб турибтики жинсий аъзолар пролапси рецидиви учраш чостотаси асосан 2-гурухдаги bemorlarда юқори кўрсатгич қайт қилинганилиги жинсий аъзолар пролапси рецидив кўриниши асосан 3 йилдан 5 йилгача кузатилиши кўпроқ учраши кузатилади.



**Расм 3.10.Бачадон “декубитус” яраси**



**Расм 3.11.Қин трофик яраси**



### Расм 3.12.Бачадон буйни

## Элонгацияси

Жинсий азолар пролапси кейинги босқичларида III-IV даражасида урогенитал ва аноректал дисфункцияси оқибатида қин нормал топографияси ва биоценозининг бузилиши туфайли юзага келадиган жинсий аъзоларнинг пролапси ва пролапс билан боғлиқ бошқа қўшимча асоратлар: бачадон бўйни ялигланиш касалликлари ( цервицит) қин девори ва бачадон трофик “декубитус”, ярлари

Бундан ташқари бачадон буйни элонгацияси, сурункали эндоцервицит ёки бу асоратларнинг икки ва ундан ортиги биргаликда келиши учрамокда.

Тадқиқотимиз остидаги беморлар орасида жинсий аъзолар пролапси күшимча асоратлари ўрганилганда асосий гурухда 19 (28,35%) бачадон "Декубитус" яраси, 21 нафарида (31,34%) да бачадон бўйни элонгацияси, 9(13,43%) да қин шиллик қавати яралари ва 17(25,37%) да бачадон бўйни яллиғланиш касалликлари аниқланди. Амбулатор тайёргарлик босқичида бундай bemорлар одатда турли хил малҳамлар ва антибиотик терапия ўтказилади. Шу муносабат билан операциядан олдин bemорлар бир курс терапевтик даволаш ишлари олиб борилади.

### Расм3.13.Бачадон буйни

## **Эндоцервицити**

Жинсий азолар пролапси кейинги босқичларида III-IV даражасида урогенитал ва аноректал дисфункцияси оқибатида қин нормал топографияси ва биоценозининг бузилиши туфайли юзага келадиган жинсий аъзоларнинг пролапси ва пролапс билан боғлиқ бошқа қўшимча асоратлар: бачадон бўйни ялигланиш касалликлари ( цервицит) қин девори ва бачадон трофик “декубитус”, ярлари

# **ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР ПРОЛАПСИ РЕЦИДИВИ ВА АСОРАТИДА ҮТКАЗИЛГАН ЖАРРОХЛИК АМАЛИЁТИДАН КЕЙИНГИ Я҆КИН ВА УЗОК НАТИЖАЛАРНИ БАХОЛАШ**

Текширувимиз остидаги аўлар самарқанд шахар 3-сон туғрук мажмуасида ва Самарканлд шахридаги «Самарканд Доктор Шифо Бахт» хусусий клиникасида умумий клиник-лаборотор текширувлар ўтказилди, анестезиолог, терапевт ва кардиолог мутахасислар текширувидан сўнг bemорлар «Самарканд Доктор Шифо Бахт» клиники гинекология бўлимига ётқизилди. Беморлар хар иккала гурух bemорлари ёши, соматик даражаси, гинекологик касалликлари ва анамнези жихатдан қиёслана оладиган қилиб танлаб олинди.

Соматик даражаси, репрадуктив анамнези гинекологик касалланиши, ўтказилган бирламчи жаррохлик амалиёти ва ундан кейинги даврнинг давомийлиги, жаррохлик амалиётидан кейинги маълумотлар ва уларнинг ўзига хослигига оид малумотлар ўрганилди. Ўтказилган жаррохлик амалиётидан кейинги даврда узоқ ва яқин натижалар, ишга лаёкатсизлик, шикоятлар, bemorlarning haёт sifatini, shikояtlarning kundalik haётga tasiри va jinsiy haёti indeksi maxsus anketalar( PFDI-20, PFIQ-7 va FSIF) ёрдамида 1 oйдан 3 йилгача bulgan davrlardagi ўtказилган гинекологик tekshiriшлар orқали maъlumotlar ўрганилди.

#### **§ 4.1. Жаррохлик амалиёти даври ва ундан кейинги яқин муддатли натижаларнинг хусусиятлари.**

Беморлар ёши 46 ёшдан 68 ёшгacha ташкил қилади. I-гурухда 67 нафар bemorlarning ёш курсатгичлари 45-49 ёшгacha 29,9%, 50-54 ёшгacha 23,9%, 55-59 ёшгacha 26,7%, 60 ёш ва ундан юқорисини 19,5%ni ташкил қилган бўлса, II-гурух bemorlarimizda 45-49 ёшгacha 9,6%ni, 50-54 ёшгacha 22,6%, 55-59 ёшгacha 29,4%, 60 ёш ва ундан юқориси 38,7% ni ташкил қилади. Асосий гурухда ўртача ёш кўrsatgichi  $52\pm3$  ёш, taққослаш гурухида  $56\pm4$  ёшни ташкил қилади.

Тадқиқот остидаги аёлларимизнинг хаммаси ягона стандарт асосида текширувлар ўтказилди, булар анамнез маълумотларини йиғиш, умумий текширувлар ўтказиш, гинекологик текширувлар, бирламчи жаррохлик амалиёти хажми, рецидив учраш даврининг давомийлиги, кузатилган кушимча асоратлар, бимануал қин орқали текширишда қин шиллик кавати холати, гименал халқа нисбатан бачадон буйнининг ўрни, унинг шакли, харакатчанлиги, бачадон холати, қўллар билан пайпаслаб кўрилганда оғриқлилиги даражаси ўрганилди.

Жинсий аъзолар пролапси рецидиви ва асоратларини бартараф этишда биз таклиф қилган усулда жаррохлик амалиёти давомийлиги 45мин дан 60 минутгача бўлган вақт оралигини ташкил қилади яни ўртача  $52,5\pm1,5$  дақиқани ташкил қилади. Абдоминал ёки қин орқали гистерэктомия

анъанавий усулида бу күрсатгич 80 дақиқадан 100-110 дақиқагача бўлган вақтни ўз ичига олади, ўртacha  $95\pm2.5$  дақиқа. Шуниси этиборлики жинсий аъзолар пролапси рецидивини бартараф этишда асосан катта ёшдаги беморлар эканлигини хисобга олсак жаррохлик амалиёти столида беморларимиз таққослаш гурухига нисбатан деярли teng яrim вакт давомийликда буладилар ва бу эса ўз навбатида йўқотилган қон миқдори ва беморлар психико-эмотционал холатига ижобий тасир кўрсатади. Жаррохлик амалиёти вақти қисқалиги ва беморлар билан жаррохлик амалиётида доимий мулоқат сақланиши беморлар психо-эмотциянал холати яхшиланади. Айниқса бу гистерэктомия абдоминал йули билан ўтказилганга қараганда жаррохлик амалиёти трансвагинал усул билан ўтказилишида яққол намоён булади, беморлар эрта ўрнидан туриши ва оғриқлар кўрсатгичи анча пастлиги билан намоён бўлади.

Жаррохлик амалиётида қон йўқотиш хажми асосий гурухда 200-300мл гача бу ўртacha  $250\pm10$  мл гача демакдир. Қон миқдори сезиларли даражада йўқотиш назорат гурухида кузатилади 400-500мл гача бу ўртacha  $300\pm50$ мл гача дегани.

Интраоперацион (жаррохлиек амалиёти) давомида кушимча асоратлар ва оғирлашишлар асосий гурухда кузатилмади. Назорат гурухида 2 нафар bemorda 6,45%да сийдик йули жарохати холати кузатилди. Бундан ташқари абдоминал кириш йули билан гистерэктомия ўтказилганда 3 (9,6%) нафар bemorla кунгил айниш ва қайт қилиш холатлар кузатилди.

Жинсий аъзолар пролапсида ўтказиладиган анъанавий абдоминал ва трансвагинал гистерэктомида қин чултоғи пролапси олдини олиш мақсадида такомиллаштирилган усул самарадорлигини тасдиқлаш учун биз жаррохлик амалиётидан кейинги эрта давр кечиши хусусиятларин турли тавсифларининг тахлилини ўтказдик. Оперрация давомийлиги, кон кетиш хажми, тана харорати максимал кутарилиши, туқималар тикланиши, соҳада дренаж хусусияти, култит ва инфильтрат пайдо булган аёллар сони, жаррохлик

амалииётидан кейинги шифохонада ётиш кунлари ва жавоб бериш вақти таққосланди. ( жадвал 4..2)

#### Жадвал 4.2.

Кўрсатгичлар	Гурухлар	Кўрсатгич	Натижа
Тўқималар тикланиши ва озиқланиши	Асосий гурӯҳ(б=67)	88,1%	ижобий
	Таққослаш гурӯҳи(б=31)	41,9%	ижобий
Культит, инфильтрат	Асосий гурӯҳ(б=67)	-	кузатилмайди
	Таққослаш гурӯҳи(б=31)	29,3%	кузатилди
Писихо-эмоционал холат	Асосий гурӯҳ(б=67)	90%	Яхши
	Таққослаш гурӯҳи(б=31)	43%	Яхши
Жавоб бериш	Асосий гурӯҳ(б=67)	4-5	
	Таққослаш гурӯҳи(б=31)	7-10	
Соҳада дренаж хусусияти	Асосий гурӯҳ(б=67)	суний дренаж	Асоратсиз
	Таққослаш гурӯҳи(б=31)	19%	Эксудат
Қин чўлтоғи рецидиви	Асосий гурӯҳ(б=67)	-	
	Таққослаш гурӯҳи(б=31)	29%	кузатилади

Жадвалдан кўриниб турганидек биз таклиф қилган усулда тўқималар

тикланиши ва озиқланиши яхшиланади ва бу ўз навбатида жарохат жойини тез фурсатда тикланиши ва беморлар эрта оёқга туришга ва тўқималарда култит ва инфильтрат хосил бўлишини бутунлай олди олинади. Асосий гурух беморларда 88,1% да тўқималар репаратцияси яхшиланган бу таққослаш гурухидан дейарли ярим баробарга куп дегани. Бундан ташқари бизнинг усульнинг самарадорлиги яна шундан иборатки тўқималар озиқланиши ва тикланиши яхшиланади ва жаррохлик амалиётидан кейинги эрта даврларда культифта инфильтрат хосил бўлишини олди олинади. Операциядан кейинги даврда таққослаш гурухида 9 нафар (29,3%) беморда культифта инфильтрат хосил бўлиши кузатилди ва бу ўз навбатида беморларнинг шифоханада ётиш кунини яна узайишиги сабаб булади.

#### **Жадвал 4.3.**

№	Динамикада узгаришлар	Асосий гурух 67 нафар			Таққослаш гурух 31 нафар		
		Операциядан кейин			Операциядан кейин		
		abs	M(%)	M	abs	M(%)	m
1	Тўқималар тикланиши ва озиқланиши	59	88,1	6,0	13	41,9	6,0
2	Культиф, инфильтрат	0	0,0	0,0	9	29,0	5,1
3	Писихо-эмоционал холат	61	91,0	6,0	13	41,9	6,0
4	Жавоб бериш (кун)	4,5	6,7	2,5	8,5	27,4	5,0
5	Соҳада дренаж хусусияти	0	0,0	0,0	6	19,4	4,3

6	Қин чўлтоғи рецидиви	0	0,0	0,0	9	29,0	5,1
---	----------------------	---	-----	-----	---	------	-----

Изоҳ: \* – назорат гуруҳи билан солиштирганда фарқлар ишончлилиги ( $*\text{-}P<0,05$ ;  $**\text{-}P<0,01$ ;  $***\text{-}P<0,001$ )

Жаррохлик амалиёти техникаси, хажми ва оғриқсизлантиришга доир қарор умумий консилиум тамонидан ҳар бир аёлга индивидуал қабул қилинди. Оғриқсизлантириш бел анестезиясидан фойдаланилди. Жинсий аъзолар рецидиви асоратини бартараф этишда жаррохлик амалиёти хажмидан келиб чиқган холда bemорлар профлактика асосида жаррохлик амалиётидан олдин 1 курс терапевтик даво муолажалар қўлланилди.

Шуни қайд этиш керакки, таққослаш гурухида қин чўлтоғи анъанавий усул билан мустахкамланганда 6 нафар bemорда (19,35%) соҳада экссудат тупланганлиги аниқланди. Биз таклиф этган қин чултоғини мустахкамлаш усулимизда табий “дренаж” яни қин чўлтоги 2,5-3 см очик колдириш операциядан кейинги даврда экссудат тўпланишини бартараф этилиши ва культиктнинг бирорта холати қайд этилмайди. Жинсий аъзолар пролапси бартараф этишда биз таклиф қилган усул, яни қин чултоғини узлукли X-симон чоклар билан мустахкамлаш жаррохлик амалиётидан кейинги узок муддатларда қин чултоғи ва қин деворлари пролапси рецидивини олди олинади.

Жаррохлик амалиётидан кейинги шифохона назоратида асосий гурухда 14 нафар (20,9%) да тана харорати  $37,3^{\circ}\text{C}$  гача 2-3 кун сақланиб қолганлиги кузатилди. Анъанавий усулда жаррохлик амалиёти ўтказилган bemорларда бу кўрсатгич бир мунча юқори эканлиги яни 23 нафарида (74,2%) bemорларда  $37^{\circ}\text{C}$ дан  $38-38,5^{\circ}\text{C}$  тана харорати кўтарилиши кузатилди. Айниқса bemорларимиз ёши хисобга олган холда абдоминал гистерэктомияда бу кўрсатгич  $39^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиши ва ўз навбтидв антибактериал терапия кунлари узайиши холатлари кузатилди.

Ишлаб чиқилган усул яни жаррохлик амалиётидан кейинги эрта асоратлар йўқлиги ва беморлар эрта оёқга туриши, аксарият беморларимиз яни- 60 нафари (89,5%) операциядан кейинги стационарда 4-5 сутка қолганлар. Анъанавий усул билан ўtkазилган жаррохлик амалиётидан кейинги стационарда беморлар 8-10 суткада, агар жаррохлик амалиёти абдоминал йули билан содир булса 10 суткадан ортиқроқ муддатга стационарда бўлишади. Бу асосий гурухдаги беморларимиздан деярли тенг ярими деганидир. Хулоса қилиб айтадиган булсак беморлар ёши ва анамнези хисобга олинса асосий гурух беморларимиз стационарда эртароқ чиқиши бу уларнинг психо-эмоционал холатига яхши тасир кўрсатади.

Жинсий аъзолар рецидиви ва асоратларини бартараф этишда қўлланилган қин чўлтоғини мустахкамлашнинг такомиллаштирилган усулини жорий қилиш оператив аралашувни давомийлигини, йўқотилган қон миқдорини, жаррохлик амалиётидан кейинги учрайдиган асоратларни хамда беморлар ётоқ-ўрин кунини сезиларли даражалда камайтиришга имкон яратади. Айниқса генитал пролапс билан такроран жаррохлик амалиёти ўтказаётган беморларда кассалик рецидивланиш хавотирини йўқотишга ва писихо-эмотционал холатини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилади.

## **§ 4.2. Жаррохлик амалиётидан кейинги узоқ муддатли натижаларни баҳолаш**

Беморларда ўтказилган жаррохлик амалиётидан кейинги даврда яни bemорларнинг стационардан чиқиб кетганларидан 6 ой, 12 ой, 24 ой ўтгач ўрганилди. Такомиллаштирилган усул билан жаррохлик амалиёти ўтказган аёлларимиз деярли барчаси операция натижаларидан қониқиши хосил қилдилар. Беморлар тамонидан жаррохлик амалиётидан кейинги даврда чаноқ аъзолари дисфункцияси, хаёт сифати ва жинсий функцияси билан боғлик шикоятлар сураб-сурештириш ва кўрик вақтида аниқланмади. Такомиллаштирилган услугуб билан ўтказилган жаррохлик амалиётидан кейинги қорин бўшлиги аъзолари чандиқланиш жараёнинг клиник белгилари,

ёндош аъзолар фаолиятининг бузулиши, жинсий фаолиятнинг бузулишлари аниқланмади.

Беморларда чаноқ аъзолари дисфункцияси, хаёт сифати ва жинсий функцияси билан боғлик шикоятлар махсус анкеталар ёрдамида аниқланди. Булар: **PFDI-20**(PelvicFloorDistressInventory) - Чаноқ туби аъзолар дисфункциясини бузилувчанликни баҳолаш кўрсатгичи.

**PFIQ-7**(PelvicFloorImpactQuestionnaire) - Чаноқ туби дисфункцияси хаёт сифатининг психологик ва ижтиомий хаётига тасирини баҳолаш.

**Хаёт сифатини ва шикоятларнинг кундалик хаётга тасирини аниқлаш анкетаси.**

PFDI-20 (Pelvic Floor Distress Inventory Questionnaire) Савол-жавоб.

Қўйдаги савол- жавоб шифокор тамонидан бериладиган саволларга анкетага кўйилган стандарт жавоблар, ХА ва ЙЎҚ жавоблар билан баҳоланилади. Агар симптомлар умуман кузатилмаса ЙЎҚ 0-балл агар Ха жавоб берилса “безовта қилмайди” 1-балл, “базан” 2-балл, “кўпинча” 3-балл, “тез-тез” 4-балл билан баҳоланилади. Шундай қилиб 0-4 баллгача баҳоланилади. Агар bemor саволга аниқ жавобни билмаса ёки иккиланса ўзига ўз фикридан келиб чиқган холда жавобга яқинроқ жавобларни ишлатади.

#### **Жадвал 4.4.**

##### **Саволлар.**

###### **PFDI-20 (Pelvic Floor Distress Inventory)**

Кўлланма: Илтимос сволларга жавоб беринг. Охирги 3 ой ичида безовта қилган симптомлардан кайси бири сизда кузатилади. Агар симптомлар умуман кузатилмаса ЙЎҚ 0-балл агар Ха жавоб берилса “безовта қилмайди” 1-балл “базан” 2-балл “кўпинча” 3-балл “тез-тез” 4-балл билан баҳоланилади. Шундай қилиб 0-4 баллгача баҳоланилади. Рахмат.

Pelvic Organ Prolapse Distress Inventory 6 (POPDI-6)

Йўқ

Xa

1 Одатда қориннинг пастки қисмида босим ҳисси пайдо бўладими?	0	1	2	3	4
2 Одатда тос суяги соҳасида оғирликни бошдан кечирасизми?	0	1	2	3	4
3 Сизнинг қинингиздан сиз сезадиган ёки қўрадиган нарса тушадими?	0	1	2	3	4
4 Ичакни тўлиқ бўшатиш учун қинни ёки ректумнинг бир қисмини тўғирлашингиз керакми?	0	1	2	3	4
5 Одатда сийдик пуфагини тўлиқ бўшамаганлиги ҳисси пайдо бўладими?	0	1	2	3	4
6 Сийдик чиқаришни бошлаш ёки сийдик пуфагини тўлиқ бўшатиш учун қинни қўлингиз билан тўғирлаш керак бўлганми?	0	1	2	3	4
Colorectal-Anal Distress Inventory 9 (CRAD-8)	Йўқ	Ха			
7 Ичакни бўшатиш учун кучли зўриқишига ехтиёж сезасизми?	0	1	2	3	4
8 Дефекациядан кейин сизда тўлиқ ичак бўшамаганлиги ҳисси борми?	0	1	2	3	4
9 Нормада нажас тутиб туралмаслик холатлари башланганми?	0	1	2	3	4
10 Нормада нажас тутиб туралмаслик холатлари башланганми масалан ич кетганда?	0	1	2	3	4
11 Газ ушлаб қолаолмаслик холатлари борми?	0	1	2	3	4
12 Дефикация кейинги оғриқлар кузатилганми?	0	1	2	3	4
13 Сизда дефекация қилиш учун чидаб бўлмас даражада кучли истак борми?	0	1	2	3	4

14 Сизда ректумнинг бир қисми анус орқали тушганми?	0	1	2	3	4
Urinary Distress Inventory 6 (UDI-6)	Йўқ	Ха			
15 Сизда тез-тез сийиш борми?	0	1	2	3	4
16 Сийдик чиқаришга бўлган кучли иштиёқ туфайли сийдикни тутаолмаслик борми?	0	1	2	3	4
17 Йўталганда, аксирганда ёки кулганда сийдик тутаолмаслик борми?	0	1	2	3	4
18 Сийдикни оз миқдорда йўқотасизми (томчи томчи)?	0	1	2	3	4
19 Қовуқни бўшатишда қийналяпсизми?	0	1	2	3	4
20 Қориннинг пастки қисмида ёки жинсий аъзоларда оғриқ ёки ноқурайлик сезасизми?	0	1	2	3	4

Ҳисоблаш: ҳар бир савол гурухидаги арифметик ўртача ҳисобланади (0 дан 4 гача тарқалади), қиймат 25 кўпайтирилади, кўрсаткичларнинг тарқалиши еса 0-100 балл.

Куйдаги анкета савол жавоб чаноқ аъзолари дисфункциясини баҳолашда 3 босқични ўз ичига олади. 1-босқичда жинсий аъзоларга боғлиқ шикоятлар, 2-босқичда ошқозон-ичак трактига боғлиқ шикоятлар ва 3-босқичда сийдик ажратиш тизимидағи шикоятлар ўрганилади.

Тадқиқот остидаги bemorlarimiz orasida PFDI-20 буйича савол жавоб ўтказилганда. Асосий гурух bemorlar жинсий аъзолар билан боғлиқ шикоятлар 28 нафар (41,79%) ни ошқозон-ичак тракти бўйича шикоятлар 20 нафари 29,85%, сийдик ажратиш тизим бўйича шикоятлар 19 нафари (28,35%) ташкил қилган булса, жарроҳлик амалиётидан кейин 6 ойдан сўнг бу курсаткичлар сезиларли даражада пасайганлиги ва 24 ойдан сунг шикоятлар деярли учрамаслигини кўриш мумкин. Таққослаш гурухида жинсий аъзолар билан боғлиқ шикоятлар 13(41,9%)ни ошқозон-ичак тракти бўйича шикоятлар 7(22,5%) сийдик ажратиш тизим бўйича шикоятлар 11(35,48%) ташкил қилган

булса, бу курсатгич кейинги давирларда шикоятлар сақланиб қолғанлиги ёки сезиларли даражада кутарылғанлигини күриш мумкин. (Жадвал 4.5.)

Савол-жавоб анкетасида баллик тизим бүйича хисобланғанида такомиллаштирилған жаррохлик амалиётидан кейинги даврда беморлар чаноқ туби дисфункцияси үрганилғанда сезиларли ижобий натижаларга эришилди.

#### Жадвал 4.5.

	Асосий гурұх n= 67				таққослаш гурұх n=31			
	PEDI-20 Операц олдин	Операц. 6 ойдан сунг	Операц. 12 ойдан сунг	Операц. 24 ойдан сунг	Операц. олдин	Операц. 6 ойдан сунг	Операц. 12 ойдан сунг	Операц. 24 ойдан сунг
(PEDI-6)	28(41,7 9%)	9(32,1 4%)	3(10,7 1%)	0	13(41,9 %)	3(23,0 7%)	2(15,3 8%)	4(30,7 6%)
(CRAD-8)	20(29,8 5%)	4(20%)	1(5%)	0	7(22,5% )	2(28,5 7%)	4(57,1 4%)	1(14,2 8%)
(UDI-6)	19(28,3 5%)	6(31,5 7%)	4(21,0 5%)	1(5,26 %%)	11(35,4 8%)	3(27,2 %)	4(36,7 %)	2(18,1 9%)

Изоҳ: \* - таққослаш гурұхига нисбатан фарқланиш ишончли (\*P<0,05)

Бунга күра жаррохлик амалиётидан олдин беморларнинг 1-босқич саволларга жавоблари 91 баллни ташкил қилған булса 24 ойдан сүнг бу күрсатгич 4,1балл ни ташкил қилди. 2-босқич саволларга 80 балл түпленган

бўлса 24 ойдан сўнг бу кўрсатгич 3,12 баллни ташкил қиласди. З-босқич саволларга даставал 77 балл тўплаган бўлса кейинги вақтларда бу кўрсатгич 2 баллни ташкил қиласди. Назорат гурухидаги bemorlarning кўрсатгичи жадвалда кўриш мумкинки бази бир шикоятлар сақланиб қолганлигига базан жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда бу шикоятларнинг кўпайганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. (Жадвал 4.6.)

**Жадвал 4.6.**

	Асосий гурӯҳ n= 67				таққослаш гурӯҳ n=31			
PEDI-20	Операц. олдин	Операц. бойдан сунг	Операц. 12 ойдан сунг	Операц. 24 ойдан сунг	Операц. олдин	Операц. бойдан сунг	Операц. 12 ойдан сунг	Операц. 24 ойдан сунг
(POPDI-6)	91 балл	20,8 балл	8,33 балл	4,1 балл	98 балл	25 балл	36,4 балл	30,9 балл
(CRAD-8)	80 балл	15,4 балл	5,4 балл	3,12 балл	45 балл	18 балл	26,5 балл	17,5 балл
(UDI-6)	77 балл	23,4 балл	6 балл	2 балл	74 балл	24 балл	38,4 балл	25,7 балл

Изоҳ: \* - таққослаш гурӯхига нисбатан фарқланиш ишончли (\*P<0,05)

**PFIQ-7(PelvicFloorImpactQuestionnaire)** - Чаноқ туби дисфункцияси хаёт сифатининг психологик ва ижтимоий хаётига тасирини баҳолашда кўлланилган анкета савол жавобимизда жарроҳлик амалиётидан олдин куйдаги натижалар олинди.

## Жадвал 4.8.

<b>PFIQ-7 (Pelvic Floor Impact Questionnaire)</b>				
		"сийдик пуфаги ёки сийдик"	"Ичак ёки тўғри ичак"	"Бачадон ёки chanok аъзолари"
	Билан боғлиқ аломатлар қанчалик тез-тез -- сизга тасир қилиши			
1	Уй ишларини бажариш қобилияти (овқат пишириш, уйни тозалаш, ювиш)?	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез
2	Юриш, сузиш ёки машқ қилиш қобилияти?	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез
3	Кинотеатрлар, концертларга қатнашиш қобилияти?	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Кўпинча -Тез-тез

4	Автомобил, автобус уйдан 30 дан ортиқ дақиқа саёхат қилиш қобилияты?	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез
5	Уйдан ташқаридаги ижтимоий тадбирларда иштирок етиш?	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез
6	Эмоционал холатк (асабийлашиш, депрессия ва бошқалар.)?	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез
7	Нимадандир күнгил тулмаслик хисси ?	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез	-Хеч қачон -Базан -Күпинча -Тез-тез

Хисоблаш: барча саволлар қуидаги балл шкаласига мос келади: ҳеч қачон - 0; базан - 1; күпинча-2; тез-тез-3. "сийдик" пифаги ёки "сийдик" устунидаги 7 та савол учун баллар йиғиндиси. "Ичак ёки түғри ичак" устунидаги 7 та савол учун баллар йиғиндиси. "Бачадон ёки чаноқ аъзолари тушиши" устунидаги 7 та савол учун баллар йиғиндиси. Олинган натижани ўртача арифметикани хисоблаш керак (0 дан 3 гача бўлган тарқалиш қиймати), кейин бу сонни 100 га қўпайтириинг ва 3 га бўлиниб, 0 дан 100 гача қиймат олинг.

Асосий гурухда операциядан олдин беморлар орасида ўтказилган савол жавобда 67 нафар беморда 37 нафарида 55,2%да "сийдик" пифаги ёки "сийдик" системасида муаммолар борлиги, 28 нафарида 41,49% да "Ичак ёки түғри ичак" тизимида, 41 нафарида 61,19% да "Бачадон ёки чаноқ аъзолари тушиши" оид турли хил шикоятлар аниқланди. Таққослаш гурухида операциядан олдин

"Бачадон ёки чаноқ аъзолари тушиши" 14 нафарида (45,16%) шикоятлар аниқланган бўлса, "Ичак ёки тўғри ичак" 9 (29,03%), "сийдик пуфаги ёки сийдик" 8 (25,80%) ни ташкил қиласди.

#### **Жадвал 4.9.**

<b>Жаррохлик амалиётидан олдинги шикоятлар</b>				
таснифланиши		"сийдик пуфаги ёки сийдик"	"Ичак ёки тўғри ичак"	"Бачадон ёки чаноқ аъзолари тушиши"
PFIQ-7	Асосий гурух	37 (55,2%)	28(41,49%)	41 (61,19%)
	Таққослаш гурух	8 (25,80%)	9 (29,03%)	14 (45,16%)

Бу кўрсатгичлар жаррохлик амалиётидан кейинги сўровнома анкетамиз тўлдирилганда жаррохлик амалиётидан кейинни иккала гурух bemорларда янги такаммилаштирилган услубнинг узоқ муддатли натижалари яққол устуворлиги аниқланди.

Олинган узоқ муддатли натижалар тахлил қилинганда тадқиқотимиз остидаги жаррохлик амалиётидан кейинги даврда савол-жавоб анкетамида асосий гурух bemорларимиз операциядан олдин "сийдик пуфаги ёки сийдик" тизимида 37 (55,2%) нафар bemор шикоят қилган бўлса жаррохлик амалиётидан кейинги 12 ойдан сўнг 3 (4,47%) нафарида, 24 ойдан сўнг 1

#### **Жадвал 4.10.**

<b>Жаррохлик амалиётидан узоқ муддатли натижалари</b>						
таснифланиши		"сийдик пуфаги ёки сийдик"	"Ичак ёки тўғри ичак"		"Бачадон ёки чаноқ аъзолари тушиши"	
Узоқ натижалар		12 ой	24 ой	12 ой	24 ой	12 ой

<b>PFIQ-7</b>	<b>Асосий гурух 67 нафар</b>	3 (4,47%)	1 (1,49%)	1 (1,49%)	0	0	0
	<b>Таққослаш гурух 31 нафар</b>	4 (12,90 %)	6 (19,35%)	2 (6,45%)	1 (3,22%)	8 (25,80%)	7 (22,58%)

\* изоҳ- касаллар сони чостотаси бази бир касалликларнинг қўшилиб келиш сабабли мос келмайди

Изоҳ: \* - таккослаш гурухига нисбатан фарқланиш ишончли ( $*P<0,05$ ) (1,49%) нафарида шикоят сақланиб турганлиги аниқланди. Ва бу беморимиз бирламчи жаррохлик амалиётида сийдик қопи травмаси кузатилганлиги ва қўпол чандиқланиш хисобига тақкамиллаштирилган услубда сийдик пуфаги чандиқлар тўлиқ олиб ташланганлиги хисобга олинган холда ижобий натижа хисобланади. "Ичак ёки тўғри ичак" ва "Бачадон ёки чаноқ аъзолари тушиши" буйича шикоятлар бир мунча яхши натижаларни намоён қилди. Даставал ошқозон ичак тракти бўйича шикоятлар 28(41,49%) ташкил қилган бўлса, узоқ муддатли текширишларда бу кўрсатгич 1(1,49%) нафар беморда кузатилган бўлса кейинчалик, иккала тизимда хам шикоятлар йўқлиги танланган услубнинг яна бир усувор эканлигини кўрсатади. Таққослаш гурухида бу кўрсатгич операциядан олдин "сийдик пуфаги ёки сийдик" тизимида 8 (25,80%) нафар беморда, "Ичак ёки тўғри ичак" 9 (29,03%) нафарда, "Бачадон ёки чаноқ аъзолари тушиши" 14 (45,16%) нафарида анкета сурвномасида шикоятлар қайд этилган бўлса, жаррохлик амалиётидан кейинги шикоятлар САТ да 12 ойдан сўнг 4 (12,9%) 24 ойдан сўнг 6 (19,35%) ташкил қилган бўлса ОИТ тизимида шикоятлар 2 (6,45%) га 1(3,22%) нисбатда қолмокда. ЧАТ да бу кўрсатгизлар бир мунча юқори кўрсатгичлар сақланган яни жаррохлик амалиётидан олдин 14 (45,16%) нафар беморда шикоятлар аниқланган бўлса, 12 ойдан сўнг 8 (25,80%) нафар бемор 7(22,58%) 24 ойдан сунг ўз шикоятлари билан анкета сурвномамиизда иштирок этишди.

## Жадвал 4.11.

Жаррохлик амалиётидан узок муддатли натижалари								
таснифланиши			"сийдик пуфаги ёки сийдик"		"Ичак ёки түғри ичак"		"Бачадон ёки чаноқ аъзолари тушиши"	
Узок натижалар		Опер. олдин	12 ой	24 ой	12 ой	24 ой	12 ой	24 ой
PFIQ-7	Асосий гурӯҳ 67 нафар	88,9 балл	14,2 балл	4,76 балл	4,76 балл	0	0	0
	Таққослаш гурӯҳ 31 нафар	69,5 балл	22,85 балл	16,7 балл	14,1 балл	4,76 балл	29,9 балл	25,8 балл

Шундай қилиб, аломатларнинг субъектив оғирлиги, уларнинг ҳаёт сифатининг функционал, психологик ва ижтимоий таркибий қисмларига таъсири баҳоланди. PFDI-20 ва PFIQ-7 сўровномасида жинсий аъзолар пролапси туфайли келиб чиқадиган аломатлар оғирлигини баҳолаш, пастки ошқозон-ичак дисфункцияси ва сийиш бузилиши белгиларининг оғирлигини субъектив баҳолаш киритилган.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб, PFDI-20 ва PFIQ-7 сўровномалари ишончли ва асосли еканлиги ва тос аъзолари пролапсаси бўлган bemорларда ҳаёт сифатини баҳолаш учун, шунингдек жаррохлик даволашнинг субъектив самарадорлигини баҳолаш учун юқоридаги патологиялар бўйича операция қилинган bemорларда қўлланилиши мумкинлиги аниқланди.

Шуни такидлаш керакки назорат гурухидаги аёлларимизнинг 13 нафари (51,61%) деярли ярими ўз ахволини кониқарли деб баҳолашдилар, 11 нафари (35,48%) ўз саломатликларини яхши деб баҳолашган бўлишса 7 нафар bemор (12,90%) ўз саломатлигидан ва ўтказилган жаррохлик амалиётидан қониқмаганликларини ўзида учрайдиган турли хил шикоятлар билан намоён

қилишди. Асосий гурухимиздаги беморларнинг 67 нафар беморлар билан сухбат ўтказилганда 100 % аёлларимиз операциядан олдинги шикоятлар ва кейинги шикоятларга қараганда умумий саломатликлари анча яхшиланганлигини қайд қилишди. Айниқса беморларимиз асосан ЖАП рецидиви биланлигини хисобга олганда беморларда касаллик тақрорланиш хавотири бутунлай йўқолганлигини қайд қилишди.

Беморлар орасида назорат гурухида жаррохлик амалиётидан кейинги даврда даврда олдинги меҳнаи фаолятларини 16 нафар 51,61% ўзгартиришган бўлса, асосий гурухимиздаги беморлар тақкомиллаштирилган мустахкам каркас хисобига 100 % беморлар олдинги меҳнат фаолиятини давом этириш мумкин бўлади.

Бундан ташқари асосий гурух беморлар орасида 46 (68,65%) нафари жинсий хаёт олиб боришаётган булсалар, ўтказилган жаррохлик амалиёти яни қин чўлтоғини мустахкамлаш ва ишончли каркас хисобига жинсий хаёт давомида оғриклар йўклиги айтиб ўтишди. Вахоланки назорат гурухидаги беморлар нафақат қин чўлтоғи пролапси, бундан ташқари жинсий хаётни бутунлай 21 нафари 21 (67,74%) тарк этишганликларини қайд қилишди. Бунга сабаб турли хил оғриқлар, аноргазмия, ва кўркув борлиги билан ифодалаб беришди.

Шу таризда операция ўтказилган аёлларда сўровнома тахлили олинганда, тақоммиллаштирилган услуг бўйича операция ўтказилган аёлларнинг қарийиб уч баробори 2,9 марта кўп сони ўз саломатликларини мутлоқа яхшиланганлигини, уларнинг хеч бири ўз саломатликларини яқин ва узоқ муддатли даврда ёмонлашганлигини қайд этишмади. Афсуски бачадон трансвагинал ва абдоминал гистерэктомиясида ўтказиладиган жаррохлик амалиёти ананавий усулда хар тўртингчи аёлда ЖАП бўйича у ёки бу шикоятлар борлиги, беморларнинг 8 (25,80%) нафарида қин чўлтоғи рецидиви кузатилганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтилганда бизнинг жаррохлик амалиётимиздан кейинги даврда қин чўлтоғини мустахкам каркас хосил қилиш йўли билан

такомиллаштирилган усулда утказилган трансвагинал гистерэктомия bemорларнинг хаёт сифатига, жинсий хаётига яқин ва узоқ муддат даврларида салбий тасир кўрсатмади. Хаёт сифатини bemорлар психо-эмотионал холатига сезиларли даражада яхшиланганлигини, жаррохлик амалиётидан кейинги даврда, асоратлар ва касаллик рецидиви кузатилмаганлиги ушбу такомиллаштирилган қин чўлтоғи мустахкам каркас ёрдамида мустахкамловчи трасвагинал гистерэктомия усулини амалиётда кенг қўллашга тавсия қилишга асос бўлади.

### **Олинган натижалар мухокамаси**

Хозирги кунида аёлларда учрайдиган жинсий аъзолар пролапси муаммосининг долзарблиги шундан иборатки унинг кенг тарқалганлиги, клиник белгиларининг ерта намоён бўлиши ва кўп холларда касалликнинг жаррохлик амалиётидан сўнг тақроран қайталаниши билан боғлиқ бўлиб, касалликнинг статистикада камайишга мойил эмаслиги хозирги кунда акушер-гинекологлар олдидағи долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Гинекологик касалликлар таркибида жинсий аъзолар пролапси 28% дан 39% гача ташкил қилиб, 15% хирургик давога муҳтож. Айниқса касалликнинг юқори кўрсаткичлари 50 ёшдан ошган ёшда юзага келади ва ҳозирги вақтда чанок мушакларининг етишмовчилигининг клиник манзараси бўлган репродуктив ёшдаги bemорлар сонини ошишига сабаб бўлмоқда [Walters M.D.. 2013] Сўнги вақтларда жинсий аъзолар пролапси "ёшарганлиги", касалликнинг оғир шаклларининг устунлиги ва уларнинг функсияси бузилиши билан жараёнга туташ органларнинг жалб қилиниши кузатилмоқда. Жараённинг кейинги босқичларида III-IV даражасида урогенитал ва аноректал дисфункцияси оқибатида қин нормал анатомияси ва биоценозининг бузилиши туфайли юзага келадиган жинсий аъзоларнинг пролапси ва пролапс билан боғлиқ бошқа асоратлар: қин яллигланиш касалликлари (колпит, бактериал вагиноз) ва бачадон бўйни ( цервицит) қин девори трофик яралари “декубитус”, бачадон буйни элонгацияси, сурункали эндоцервицит ёки бу

асоратларнинг икки ва ундан ортиги биргаликда келиши учрамоқда. бўлмоқда [ 40; 85-87 б.]. Касалланиш нафақат катта ёшли аёллар, балки ёш ва ўрта ёшдаги аёллар орасида ўсиб бориши тенденцияси жарроҳлар ва гинекологлар дикқат марказида бўлиб келмоқда. «Ҳозирда кичик чаноқ аъзоларининг тушишини 300 дан ортиқ жарроҳлик даволаш усуллари мавжуд, лекин таклиф этилган усулларнинг самарадорлиги етарли эмас ва касалликнинг қайталаниш даражаси 25-30% га етади. [ 31; 774 б.]. Генитал пролапсда ўтказиладиган жарроҳлик амалиётлари 7 грухга булинади ( В.И. Краснопольский (1999).

1-гурух- Чаноқ тубини мустахкамловчи жарроҳлик амалиёти. 2гурух- қин йулини ёки қин дахлизини торайтиришга қаратилган жарроҳлик амалиётлари ( А.Лехардту бўйича кольпоперинеоклейзис.: халқасимон қинни суний қисқартириш X. Роттер ва А.Белову. Ўрта кольпоррафия Ф.Л Нейгебауэром ва Л.К Лефором. Бу гурухдаги жарроҳлик амалиётида касаллик рецидиви 15%-23% холларда кузатилади. 3.гурух- Бачадон бойламларини кисқартириш ёки мустахкамлаш орқали ўтказиладиган амалиётлар. Александр-Адамса юмолоқ бойламни чов каналига мустахкамлаш. Кохер бўйича Ветрофиксация. (Глебова Н. Н. 1983 рецидив рецидив кўрсатгич 29,9%)

4-гурух- Турли хил аллопластик материаллар ёрдамида бачадон ёки апикал проларсни мустахкамлаш. Dandolu V. 2017 1,9 дан 6,6% рецидив бериши аниқланган. 5 грух- бачадони ( бачадон –сакрум, кардинал боғлам) мускахкамлашга қаратилган жарроҳлик амалиётлари. Манчестер жарроҳлик амалиёти. Ищенко А. И.- 2016 9% дан 22% гача рецидивлар учрайди. 6-гурух- пролапсга учраган аъзоларни чаноқ деворларига мустахкамлаш. Maher C. 2013 20% гача рецидив бериши адабиётларда келтирилган. 7 гурух- радикал операциялар яни гистерэктомия( абдоминал ёки трансвагинал)( Ищенко А. И. Снегирева. – 2021 рецидив кўрсатгичи- 33% ни ташкил қиласди.)

Юқорида кўрсатилган жарроҳлик амалиётлари ва уларда учраши мумкин бўлган рецидивлар нафақат ноадекват жарроҳлик усулини танлаш билан, балки bemорларни жарроҳлик амалиётидан олдин тайёрлаш ва

амалиётдан кейин олиб бориш сифатига ҳам боғлиқ. Пролапс гениталий жарроҳлик амалиёти коррекциясининг бир қанча тамойиллари бор: чаноқ аъзоларининг нормал топографиясини тиклаш, функционал касалликлар коррекцияси, касалликнинг жуда паст курсатгичли кайталаниши билан бир қаторда юқори сифатли натижаларга эришиш учун комбинирланган жарролик техникаларидан фойдаланиш. Жинсий аъзолар пролапсини жарроҳлик йўли билан даволашда қийинчиликлар bemorlarning ёши ва хусусий соматик касаллик тарихи билан боғлиқ. Операциядан кейинги учрайдиган қуп рецидивлар бу муаммони ҳал қилиш учун янги ёндашувлар излашни талаб қиласди.

Жинсий аъзолар пролапси билан касалланган аёлларнинг ҳақиқий сонини аниқлаш бир мунча қийинчилик туғдиради сабаби аёллар сони статистик маълумотлари, қоида тариқасида, фақат гинеколог ташриф ва ЖАПсида утказилган жарроҳлик амалиётлари сонига қараб аниқланади ва бу ўз навбатида [85; 449-452 б.] касалланиш ҳақида аниқ маълумот йўқлиги ва кўпинча касалланишнинг оғир босқичларида аниқланишига олиб келади. Шу билан бирга, шифокор ёрдамига мурожаат қилмайдиган ёки жуда кеч мурожат қилган кўплаб потенциал bemorlar мавжуд, шунинг учун маҳаллий ва хорижий адабиётлардан турли босқичлар ва турларнинг ГП тарқалиши бўйича маълумотлар кенг тарқалган - 3 дан 94% [3; 133 60, 86; 105-115 б, 87; 293-303 б, 14; 256 б, 89; 213-216 б.].

Генитал пролапс клиник белгилари турли хил ва нафақат чаноқ аъзолари анатомиясининг бузилишининг бевосита намойиши, балки қовуқ ва ичакнинг патологияси билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Чаноқ азолари пролапси билан аёллар томонидан амалда енг кенг тарқалган шикоят қинда ёд жисимнинг бўлиши хисобланади. Шикоятларни батафсил таҳлил қилиш генитал пролапс бўлган bemorlarда уларнинг хилма-хиллигини кўрсатади. Касаллик белгилари жуда секин ривожланади, бироқ касалликнинг II-IV даражали оғирлигига эришилганда аёлларнинг ҳаёт сифати сезиларли даражада пасаяди. Чаноқ аъзолари пролапси нафақат қин ва бачадон тушиши

билан боғлик шикоятлар балки у билан бтрга кечадиган қўшни аъзолар (сийдик пуфаги, уретра, тўғри ичак) ҳам киради, улар харакатланишга мажбур бўлади, анатомик ва функционал бузилишларга дучор бўлади [69; 789-798 б.]. Мисол учун, А. Popov (2000) чаноқ пролапси билан bemorlarning 85% қўшни органлар функционал бузилишларини аниқлаган [65; 52-54 б.]. Ва бу патология уз навбатида урологлар ва проктологларнинг ҳам диққат марказида булиб колмоқда.

генитал пролапсидан келиб чиқсан барча клиник кўринишларни бир неча гурухга бўлиш мумкин:

- Чаноқ аъзоларидан алломатлар: сезиларли ноқулайлик, қин ва ундан ташқарида ёд нарсанинг ҳисси, ноқулайлик, юриш пайтида ёқимсиз ва тез-тез оғриқли ҳислар [41; 85-87 б, 61; 756 б, 21; 22 б, 18; 22 б, 42; 24 б.];

- сийдик йўлларининг белгилари: Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, сийдик тутиб туралмаслик кўпинчатаси 10 дан 58% гача кузатилади. [94; 1021-1028 б, 95; 90-97 б, 67; 46-55 б, 4; 81-87 б, 17; 51-56 б, 26; 3-5 б.], ;

- меъда-ичак йўли белгилари: 31-41% аёлларда кузатиладиган қабзият [96; 15-107 б.]. Газлар ёки ахлатни ушлаб туриш қийинлашиши, ичакни тўлиқ бўшатиш каби алломатлар кузатилади [97; 41-49 б, 98; 41-49 б, 52; 66-71 б, 73; 1-4 б.]

- жинсий заифлик: 24-50% жинсий фаол аёллар тўлиқ жинсий хаётдан қониқмаслиги, алоқа пайтида оғриқ, жинсий истаги камайиши кузатилади [83; 796-806 б.]. Жинсий ноқулайлик, одатда, сийдик ёки ичак белгилари туфайли келиб чиқсан анатомик ёки ҳиссий касалликлар туфайли юзага келади.

Оптимал даволаш тактикасини танлаш генитал пролапснинг аниқ ва ўз вақтида ташхислаш, генитал пролапснинг даражасини ва клиник куринишларига асосланиб, бу қўпинча нафақат гинекологларнинг, балки тегишли мутахассисликларнинг шифокорлари - урологлар, колопроктологлар олдидаги долзарб вазифа булиб қолмоқда. [56; 8-10 б.].

Шу сабали бизнинг тадқиқотимиздан мақсад, асоратланган ва рецидивланган жинсий аъзолар пролапси кузатилган аёлларни жаррохлик

амалиётини такомиллаштириш ва ҳаёт сифатига таъсирини аниқлашдан иборат.

Белгиланган мақсадимизни амалга ошириш мақсадида олдимизга қуйдаги вазифаларни қўйдик.

- Аёллар жинсий аъзолари пролапси рецидиви ва уни оператив йўл билан даволаш турларини учраш даражасини ўрганиш.
- Жинсий аъзолар пролапси рецидивини хирургик даволаш йулини ишлаб чикиш.
- Асоратланган ва рецидивланган жинсий аъзолар пролапсида ўз тўқималарининг ёрдамида генитал пролапсни бартараф этишда трансвагинал жарроҳлик амалиёти таъсирини баҳолаш.
- Асоратланган ва рецидивланган жинсий аъзолар пролапсида ўтказилган жарроҳлик амалиётидан кейинги узоқ ва яқин натижаларни баҳолаш.

Биз ўз тадқиқотларимизни Самарқанд шахар З-сон туғруқ мажмуаси ва Самарканлд шахар «Самарқанд Доктор Шифо Бахт» хусусий клиникаси гинекология булимига мурожат қилиб келган жинсий аъзолар пролапси асорати ва рецидиви билан 98 нафар bemорлар анамнези ўрганишдан бошланди. Текширувларимиз даври 2015 йилдан 2022 йилгача 7 йилни ташкил қилди. Беморларнинг ёш кўрсаткичи 46 дан 68 ёшгacha бўлган кўламни ўз ичига олди, ўртacha 55 ёш. Тадқиқот ўтказиладиган барча bemорларимиз II гурухга ажратилди. I-гурух (асосий) bemорларимиз 67 (68,4%) нафар bemорларимиз, генитал пролапсининг турли хил асоратлари ва бирламчи жарроҳлик амалиётидан кейинги рецидивлари билан bemорларда қин чўлтоғини мустаҳкамлашнинг такомиллаштирилган модификацияси бўйича трансвагинал кириш йўли билан бачадоннинг экстирпация операцияси ўтказилган bemорлар. II-гурух (таққослаш) 31 (31,6%) нафар bemорларимиз жинсий аъзолар пролапси оғир даражаларида анъанавий усулда абдоминал ва трансвагинал бачадон экстирпацияси жарроҳлик амалиёти ўтказилган.

Оператив даволашга кўрсатмалар сифатида- бачадон ва қин деворлари тушиши I-II даражаси билан 17 нафари (17,34%) ни бачадон тушиши ва чиқиб қолиши III-IV даражаси билан 46 нафар (46,93%). Жинсий аъзолар пролапси ва кўшни аъзолар асоратлари билан 23 нафар (23,46%), 10 нафари (10,2%) нафари эса генитал пролап асоратлари (яллиғланиш белгилар) билан мурожат қилганлар курсатма сифатида хизмат қиласди.

Биз тамондон тадқиқотимиз остидаги иккита гурухда хам касалликнинг рецидивланиши яни бирламчи жарроҳлик амалиётидан кейинги жинсий аъзолар пролапси рецидив кўриниши учраш вақт оралиғи тахлил қилинди.

Биз касаллик рецидиви учраш вақтини 3 та гурухга ажратдик яни унга кўра 1-гурух касалликнинг рецидиви 1 йилдан 3 йилгacha бўлган оралиқ ва клиник белгиларнинг “эрта” намоён бўлиши. 2-гурух касаллик рецидиви 3 йилдан 5 йилгacha булган оралиқ ва клиник белгиларнинг “секин” намоён бўлиши. 3-гурух касаллик қайталаниши 5 йилдан кўп бўлган вақт ва клиник белгиларнинг “кеч” намоён бўлиши. Унга кўра bemорлар орасида 1-гурухда 22 нафарида (21,56%) да касаллик белгилари эрта намоён булса, 2-гурух bemорларимизда бу кўрсатгич 45 нафарида (44,1%) касаллик белгилари секин намоён булиши қузатилди. Колган 31 (30,38%) нафар bemорда касаллик рецидив куриниши кеч намоён булганлигини кўриш мумкин.

Соматик касалликлар характери ва чостатаси иккала гурухда қиёсий тахлил қилинганда гурухда хам болалиқдаги касалликлар ва ЎРВИ касалликлари бошқа гинекологик касалликлар сингари куп учраши қузатилган бўлса, аммо жинсий аъзолар пролапсида асосий олиб келувчи хавф омилларидан бўлган нафас йўллари касалликлари (асосий гурухда 41(61,2%)) таққослаш гурухида (14(45,2%)) ни, Ошқозон-ичак тракти касалликлари (асосий гурухда 43(64,2%)) таққослаш гурухида (17(54,8%)) ташкил қиласди. Бундан ташқари оёқ веналари кенгайиши (асосий гурухда 41(61,2%)) таққослаш гурухида (12(38,7%)) ташкил қиласди.

Беморлар акушерлик анамнези тахлили ўрганилганда ЖАП келиб чиқишига хавф омили бўлган кўп хомилалик, ва кайта туғувчилар I-гурухда

40 (59,70%), II-гурұх 14 (45,20%), хомила макросомияси билан туққанлар I-гурұх 24 (35,8%) II-гурұх 8 (25,80%) Хомила чаноқ билан келиши I-гурұх 5 (7,46%) II-гурұх 2 (6,45%) ни ташкил қылса, I-гурұх 16 (22,88) II-гурұх 9 (29,03%) беморлар анамнезида түрли хил күрсатмалар билан туғруқ кесарча кесиш йули билан амалга оширилған.

Тұғруқларнинг кечиши харктери таҳлил қилиб, шуни ишонч билан айтиш мүмкунки 60,2% ҳолларда тұғруқ пайтида акушерлик ёрдами талаб қилингандың да асорталар пайдо бўлган, бу кейинчалик ички жинсий аъзолар тушиши ва чиқиши сабабларидан бирига айланган деб айтиш мүмкин. Тұғрук жараёнида кузатилган асорталар таҳлилида, беморлардан асосий гурӯхда 15 (22,70%), таққослаш гурӯхида 10 (32,20%) да эпизиотамия ва перинетомия ўтказилган бўлса, I- гурӯх 11 (16,40%), II-гурӯх 14 (21,2%) оралиқнинг турли хил даражада йиртилиши кузатилган. Бундан ташқари I- гурӯх 6 (8,80%), II- гурӯх 4 (12,90%) да бачадон бўйни йиртилиши кузатилган.

Жинсий азолар пролапси кейинги босқичларида III-IV даражасида урогенитал ва аноректал дисфункцияси оқибатида қин нормал топографияси ва биоценозининг бузилиши туфайли юзага қеладиган жинсий аъзоларнинг пролапси ва пролапс билан боғлиқ бошқа қўшимча асоратлар: бачадон бўйни ялигланиш касалликлари ( цервицит) қин девори ва бачадон трофик “декубитус”, яралари учраш даражаси ўрганилганда, тадқиқотимиз остидаги беморлар орасида асосий гурухда 19 (28,35%) бачадон "Декубитус" яраси, 21 нафарида (31,34%) да бачадон бўйни элонгацияси, 9(13,43%) да қин шиллик қавати яралари ва 17 (25,37%) да бачадон бўйни яллигланиш касалликлари аниқланди. Амбулатор тайёргарлик босқичида бундай bemорлар одатда турли хил малҳамлар ва антибиотик терапия ўтказилади. Шу муносабат билан операциядан олдин bemорлар бир курс терапевтик даволаш ишлари олиб борилади.

Жинсий аъзолар пролапси POP-Q (Pelvic Organ Prolapse Quantification) ICS (International Continence Society) тамонидан таклиф қилинган тасниф буйича bemорлар жинсий аъзолар характеристи тахлил қилингандага асосий гурух

